



MILLIY TIKLANISH

8 (492) ● 2018 йил 21 февраль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Депутатлик назорати

ЖОЙЛАРДАГИ ЎРГАНИШ ВА МУЛОҚОТЛАР МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА

Юртимизда халқ билан мулоқот тизими йўлга қўйилгани ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, фуқароларнинг турмуш шароитларини ўрганиш, жойлардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда муҳим омил бўлаётир. Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларда бўлиб, аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилаётир, уларни йўлантираётган муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламент кўйи палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам жойларда аҳоли билан учрашиб, масала-муаммоларга ечим топишга ҳисса қўшмоқда.

Таълим ва тиббиёт хизмати самарадорлиги — келажакка пойдевор

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов Хоразм вилоятининг Хонқа туманида бўлиб, туман мутасаддилори билан биргаликда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳолати, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа ҳамда тиббиёт тизимидаги мавжуд аҳолини ўрганиб,

аҳоли мурожаатларини тинглади. Ўрганишлар доирасида дастлаб Хонқа туман тиббиёт бирлашмаси, 50-оилавий поликлиника ва "Янги ҳаёт" қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати, амбулатор ҳамда патронаж, тез тиббий ёрдам ва стационар хизматлари ҳолати кўздан кеңирилди. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник ҳолати, кадрлар билан таъминланганлик даражаси, зарур дори воситалари, тиббий

буюмлар, шу жумладан, ускуналар, лаборатория воситаларининг мавжудлиги, ижтимоий дорихоналар фаолияти ўрганилди.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари раҳбарлигидаги бир гуруҳ депутатлар туман тиббиёт бирлашмаси, унинг тизимидаги қатор тиббиёт муассасаларида бўлиб, мавжуд камчиликларни ўрганиб, — дейди Хонқа туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Умид Абдуллаев. — Бу биз учун ҳар жиҳатдан фойдали ва самаралидир. Чунки халқ вакиллари ўз воқолатлари доирасида соҳадаги муаммоларни бартараф этишда бизга яқиндан кўмак бериш имконига эга. Айни пайтда туман тез тиббий ёрдам хизматида 8 та автомашина мавжуд бўлиб, 2 тасининг ҳолати қониқарсиз, яна 5 та автомашинага эҳтиёж мавжуд. Тиббиёт бирлашмасининг моддий-техник базаси эскирган.

2-бет

ЎзМТДП ташкилотларида

САРҲИСОБ ВА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИГИЛИШЛАРИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Аввал хабар берганимиздек, айни кунларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳудудий кенгашларининг кенгайтирилган йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Уларда партия Марказий кенгаши Пенжентда белгиланган вазифалар таҳлил қилиниб, партия ҳудудий ташкилотлари фаолиятининг ўтган йил сарҳисоби, "Фаол тадбиркорлик, инновацион соҳалар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдига турган вазифалар кенг муҳокама этилмоқда.



ЎзМТДП Навоий вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия вилоят кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДП дан сайланган депутатлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов иштирок этди.

3-бет

Қонуннинг манбаи — халқ

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР ҚОНУННИНГ ҲАЁТИЙ ВА ХАЛҚЧИЛЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бугун миллий парламентимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни мустаҳкамлашиб, ислоҳотлар жараёнидаги иштироки кенгайиб бораётир. Қонуни ижодкорлиги жараёнида кенг омманинг таклиф-таъсиялари, фикр-мулоҳазалари билан ҳисоблашиб, таътигани жамиятда демократик таъминларнинг амалий ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 июлдаги видеоселектор йиғилишида, 22 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида қонунларни қабул қилиш жараёнида аҳоли билан муҳокама қилиш тизимини жорий этиш лозимлигини таъкидлаб ўтганди. Жумладан, парламентга Мурожаатномада "қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи, том маънода, халқ бўлиши шарт. Ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларни кўйдан — фуқаролардан, жойлардаги халқ депутатлари Кенгашларидан олиш тартиби-

ни кенг жорий этиш зарур. Қонунларни қабул қилиш жараёнида уларни аҳоли ўртасида ҳар томонлама муҳокама қилиш тизимидан самарали фойдаланишимиз керак", деган эди. Бинобарин, ҳар бир қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда инсон омили устувор, барча қонунлар халқ ҳаётига дахлдор экан, аввало, уларни ишлаб чиқиш жараёнида одамлар фикри билан ҳисоблашиб, кенг омманинг таклифларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз таклифи билан амалиётга жорий этилган ушбу тизим асосида Олий Мажлис Қонунчилик

палатаси мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳалари кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилмоқда, фуқаролар, турли соҳа вакилларидан таклиф ва фикр-мулоҳазалар олинмоқда.

Айни пайтда "Медиация тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Қишлоқ ҳўжалиги ўсимликларини зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрирда) қонунлар лойиҳалари кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган. Мазкур жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг жойлардаги ташкилотлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда электорат вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда.

4-бет

Депутатлик сўрови — халқ сўрови

"ОЁФИ ЕРДАН УЗИЛГАН" МУТАСАДДИЛАР ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИНИНГ 33 СЎРОВИГА БЕПИСАНД МУНОСАБАТДА БЎЛИБ ЖАВОБ ҚАЙТАРМАДИ

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича ташаббуслар билан чиқиш, аҳолини йўлантириб келаятган долзарб ҳаётини масалаларни чуқур ўрганиш ва ҳал этишда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар, партия гуруҳлари фаолиги муҳим ўрин тутаяди. Партия дастурий мақсадларидан келиб чиқадиган устувор вазифалар, қонушлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жойлардаги ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатиш, тегишли корхона, ташкилот ва мансабдор шахсларга фуқаролар мурожаатлари асосида депутатлик сўровлари билан чиқиш, уларнинг ҳисоботини эшитиш, долзарб ҳудудий масалаларни маҳаллий Кенгашлар сессиялари кўн тартибига киритиш ва депутатлик назоратини олиб бориш партия гуруҳлари зиммасидаги энг муҳим вазифа саналади.

Халқ депутатлари Наманган вилоят, ҳал этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда депутатлик сўрови механизмидан самарали фойдаланилаётир.

2017 йилда маҳаллий Кенгашлардан тўлақонли ва унумли фойдаланишга интилиб, мавжуд масала-муаммоларни

ижроси ҳамда фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар асосида 33 депутатлик сўровини амалга оширди. Халқ депутатлари Наманган шаҳар, Чортоқ, Чуст, Уйчи, Учқўрғон, Наманган туман Кенгашларидagi партия гуруҳи аъзолари депутатлик сўровларини амалга оширишда фаоллик кўрсатган бўлса, Косонсой, Норин, Тўрақўрғон, Поп ва Мингбулоқ туман Кенгашларидagi айрим депутатлар фаолиятида сустошлик кўзга ташланди: улар ўз воқолатларидан унумли фойдалана олмади.

Ўтган йил давомида 33 депутатлик сўровига айрим корхона, ташкилот ва муассасалар мутасаддиларининг масъулиятсизлиги натижасида жавоб қайтарилмади. Маълумки, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг макоми тўғрисида"ги

Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8-моддасига асосан депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг воқолатларига кирадиган масалалар юзасидан асосланган сўровларни таъминлаш бўйича нуктаи назарини баён қилиш талаби билан депутатлик сўрови юборишга ҳақли. Қолаверса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари депутат сўровига жавобни мазкур сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юбориши лозим. Аммо ўз ишига совуққонлик билан қароётган, халқ вакиллари кўтариб чиқаётган долзарб масалаларнинг ечимига етарли даражада аҳамият бермаётган бефарқ, доқайда мутасаддилар орамизда ҳамон учраб турибди.

4-бет

Фаолиятимиз талаб даражасидами?

БАЛАНДПАРВОЗ ГАПЛАРНИ ЧЕТГА СУРИБ, АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШ ЛОЗИМ

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ва Экологик ҳаракат вакиллари билан ўтказган видеоселектор йиғилишида бугунги замон сиёсий партияларнинг иш услубини тубдан ўзгартиришни, уларнинг аҳоли, электорат билан мулоқотини тизимли йўлга қўйишни талаб этаётгани алоҳида таъкидланган эди. Шунингдек, маърузада сиёсий партиялар баландпарвоз гапларни четга суриб, аниқ, амалий ишлар билан сайловчилар ишончини қозониши ҳақида танқидий-таҳлилий фикрлар билдирилди. Ҳўн, ушбу маърузада белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, ЎзМТДПнинг ҳудудий ташкилотлари ўтган йилда қандай фаолият юритди?

Тошкент. 2017 йил давомида партия Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили доирасида аҳоли билан тизимли мулоқотни йўлга қўйишга интилди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари 2017 йилда фуқароларнинг икки мингдан ортиқ мурожаатларидан келиб чиққан ҳолда турли даражадаги ташкилот ва мансабдор шахсларга жами 138 депутатлик сўрови юборди. Улардан 113 тасига ижобий ечим толинган бўлса, 23 таси 2018 йилда ҳудудларни ривожлантириш бўйича маҳаллий дастурга киритилди.

3-бет

Бугуннинг гапи

"СИЗДА "Zi-Zi" БОРМИ?!" ЁХУД ТЕЛЕКАНАЛ ВА КЎЧАЛАРНИ "БЕЗАЁТГАН" РЕКЛАМАЛАР ХУСУСИДА

Реклама — тадбиркорларимиз ишлари ривожини учун муҳим восита, оммавий ахборот воситалари учун қўшимча даромад. Бироқ бугун телеканалларимизда намоён этилаётган рекламаларга чуқур назар ташлайдиган бўлсак, уларда акс этаётган тасвир, маҳсулотни намоён этишда фойдаланилаётган ифода воситалари умуман маҳсулот рекламасига ҳам, унинг таърифига ҳам мос эмас. Кўндлик ҳаётимизда бунга кўп бор гувоҳ бўламиз.

Биринчи савол: шоколад, қандолат маҳсулотлари рекламасида болаларнинг иштирок этаётгани нечоғлик тўғри? Катталар болаларни имкон қадар ширинликлардан асрашга, чалғитишга ҳаракат қилмасин, телевизорда бирин-кетин улар эса олинавероди. Болаларга телевизор кўрсатмаслигининг эса иложи йўқ. Бугунги тезкор замоннинг фарзандлари "замон"дан ортада қолмайди. Бири-бирдан жажжи болакайларнинг ширинликларни кўз-кўз қилиши кичкинтой тугул катталарни ҳам ўша маҳсулотдан таътиб кўришга мажбур этиши ҳам бор гап.

5-бет

Ҳисёбон

"ЎЗ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИ САҚЛАЙ ОЛГАН ХАЛҚ МАНГУЛИККА ДАХЛДОР"

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЯҲЁ ҒУЛОМОВ
НОМИДАГИ АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ
ДИРЕКТОРИ, ТАРИХ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ АМРИДДИН
БЕРДИМУРОДОВ БИЛАН СУҲБАТ

«Тарихни фақат мустамлакачилар сохта-лаштиради, уни ўз мақсад ва хоҳишларига мослаб тўқийди. Бунга ўзимизнинг яқин тарихимиз ҳам яққол мисол бўла олади. Аммо вақт — олий ҳакам. У пайт келиб барча сохтакорликларни тарих чиқинди-хонасига итқитиб юборади. Ҳўр халқ барибир ўзининг ҳақиқий тарихини ёзади ва ўрганади. Инсониятга тарихни ва ундаги воқеаларни ўзгартириш эмас, аксинча ундан сабоқ олиш, аждодлари йўл қўйган хатоларни тақорламаслик, шонли тарихдан гурурланиш ва илҳомланиш ҳуқуқи берилган.»

8-бет

MILLIY TIKLANISH — МАМЛАКАТИМИЗ МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ!



"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!



газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

Депутатлик назорати

ЖОЙЛАРДАГИ ЎРГАНИШ ВА МУЛОҚОТЛАР МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШДА МУХИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА

< Давоми. Бошланиш 1-бетда.

Лапароскопия аппарати билан таъминланиши зарур. Депутатлар ўрганишлар мобайнида бу каби масалаларга ўзлари ҳам ғувоҳ бўлиб, зарур саъй-ҳаракатларни амалга оширишга киришди.

Шундан сўнг депутатлар тумандаги таълим масканлари, хусусан, мактабгача таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар ҳолати билан танишди. 4-“Дўмбоқча”, 6-“Навбахор”, 7-“Гулшан”, 15-“Булбулча” мактабгача таълим муассасаларида бўлиб, уларда яратилган шарт-шароитлар, мавжуд муаммоларни ўрганди. Аниқланишича, тумандаги мавжуд 30 та мактабгача таълим муассасасининг аксарияти капитал таъмирга мутож, уларга сифатли озик-овқат маҳсулотлари етказиб бериш, шунингдек, МТМ ошхоналарида санитария қондаларига риоя этилиши талаб даражасида эмас, намунада белгиланган бирламчи зарур дори-дармонлар етишмайди. Мавжуд муаммолар танқидий таҳлил этилиб, уларни бартараф



этиш юзасидан тегишли мутасаддиларга таклиф-тавсиялар берилди. Шунингдек, болалар камолотига хизмат қилувчи мазкур даргоҳларда зарур шарт-шароитлар яратиш, замонавий ўқув-қўлланмалари билан таъминлаш масалалари юзасидан туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига бир қатор таклифлар тайёрланди.

Халқимиз паррандачиликни “етти хазинанинг бири”, деб атайди. Бу бежиз эмас. Чунки бироз диққат, эътибор, иштиёқ ва меҳр билан парранда парварилганда, кўп фурсат ўтмай тухум ва парранда гўштидек тансиқ таомлар дастурхонларимизни тўлдирди. Парранданинг кенг тарқалишига сабаб ҳам йил давомида унинг кўп миқдорда тухум бериши ва гўшта тез фурсатда етилишидир. Шу боис мамлакатимизда паррандачилик, тухум ва парранда гўшти етиштириш жадаллик билан ривожланиб бормоқда.

“Хонқа паррандачилик” масъулияти чекланган жамияти Хоразм вилоятидаги энг фаол ва номдор жамиятлардан бири. Сарвар Отамуратов мазкур корхонада ҳам бўлиб, унинг фаолиятини атрафича ўрганди. Жамият директори Рўзибой Бекметовнинг айтишича, парранда ва паррандачилик маҳсулотларини етиштиришга мўлжалланган корхона фаолияти давлатимиз раҳбари томонидан мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор натижасида янада кенгайиб бормоқда. Бугун вилоятда мазкур корхона етказиб бераётган паррандаларнинг маҳсулотларига талаб ортиб бораётир. Шу боис унинг бир неча филиали очилган. Бу ерда яратилган шарт-шароитлар, технологик ускуналар саноат паррандачиликнинг замонавий талабларига тўлиқ жавоб беради. Иш тартиби тўғри йўлга қўйилган. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспортга йўналтириш доирасидаги фаолият ҳам самарали кечмоқда. Халқ вакиллари ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, корхона тажрибасини бошқа ҳудудларга тартиб этиш мақсадда мувофиқ эканлигини таъкидлади.

Фракция раҳбари Хонқа туманидаги фаолияти довомида савдо объектларида аҳоли учун яратилган шарт-шароит, нарх-навоининг барқарорлиги, пластик карточкалар орқали савдо қилиш хизмати ҳолатини ўрганди. Шу мақсадда туман деҳқон бозори, буюм бозори, Хонқа савдо мажмуаси, “Хонқа Маркет” каби бир қатор савдо объектларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишди.

Депутатнинг ҳудуддаги ўрганишлари мобайнида аниқланган мавжуд муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилмақда. Уларнинг айримларини ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритиш бўйича таклифлар берилган бўлса, айримларини депутатлик ёхуд парламент сўрови орқали хал этишга келишиб олинди.

Муаммоларга ечим изланыпти

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ЎзМТДПдан сайланган депутат Урол Хайитов Қашқадар вилоятининг Нишон туманида бўлиб, халқ билан мулоқот қилмоқда, ҳудуддаги таълим, тиббиёт, соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти билан яқиндан танишмоқда, аҳолининг газ, электр энергияси ва ичимлик суви билан таъминланиш ҳолати, бу бордаги мавжуд муаммоларни жойида ўрганаётир.

Депутат дастлаб туманнинг “Ширинобод” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 31-кишлоқ оилавий поликлиникаси филиалида бўлиб, мавжуд аҳолини ўрганди. Айни пайтда мазкур муассасада тез ёрдам машинаси йўқ, навбатчи шифокор ва ҳамширалар фаолияти тизимли йўлга қўйилмаган, жиҳозлар етишмайди, бино ҳам таъмирталаб аҳолга келиб қолган. Яқин атрофда дори-ҳона мавжуд эмаслиги беморларга, ҳудуд аҳолисига ноқулайлик туғдирмоқда. Мавжуд ҳолатлар атрафича ўрганилиб, муаммоларни хал этиш юзасидан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирилиги депутатлик сўрови билан мурожаат қилишга келишилди.

Таълим самарадорлигини ошириш йўлида олиб борилаётган қатор амалий ишлар келажак овида камолотида муҳим аҳамият касб этади. Депутат ҳудуддаги ўрганишлари довомида қатор таълим-тарбия муассасаларида ҳам бўлиб, уларнинг шарт-шароитлари, моддий-техник базаси билан танишмоқда. Жумладан, 21-умумтаълим мактаби фаолиятини ўрганиш довомида муассасада қатор камчилик ва муаммолар мавжудлигини кўздан кечирди. 1987 йилда қуриб, фойдаланишга топширилган мазкур мактабда капитал таъмирлаш

ва реконструкция ишларини олиб бориш зарурияти мавжуд. 624 ўқувчи мўлжалланган бу масканда айни пайтда 1 минг 78 нафар ўғил-қизлар таҳсил олмақда. Мактабда порта ва бошқа ўқув жиҳозларининг етишмаётгани ҳам ўқувчиларга ноқулайликлар туғдирмоқда. Мазкур масала юзасидан вилоят халқ таълими бошқармасига мурожаат киритилди.

Нишон туманининг Таллимаржон шаҳарчаси ўзининг кўркэм ва замонавийлиги, бетакрорлиги билан ташриф бурувчиларнинг ҳавасини келтиради. Гуруч қурмақсиз бўлмаганидек, бу ерда ҳам муайян муаммолар учрайди. Шаҳарчанинг “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 4-умумтаълим мактаби яқиндан ўрганилганда маскан таъмирталаб аҳволдалиги маълум бўлди. Мазкур муаммо бўйича тегишли мутасадди ташкилотларга мурожаат қилишга келишилди.

Ҳудуднинг коммунал соҳаси, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалалари ўрганилганда айрим муаммолар юзга келгани аниқланди. Масалан, аҳолини ичимлик суви билан таъминловчи қувурлар эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган. Бу масала ҳам депутатнинг эътибор марказида бўлди. Сув қувурлари, уларни таъмирлаш масалаларига Таллимаржон “Сувоқова” корхонаси масъул экан. Депутат эскирган қувурлар юзасидан тегишли чораларни кўриш таклифини билдирилиб, шаҳарча ҳокимлигига мурожаат қилди ва ижроси назоратга олинди.

Секторлар фаолияти ўрганилмоқда

Мамлакатимизда барча соҳалар тубдан ислох қилиниб, замон талаблари даражасида ривожланиш босқичига кўтарилди. Жойларда кичик бизнес, тадбиркорлик, саноат ҳамда маҳаллий хомашё ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари сони анча кўпайди. Пировардида минглаб иш ўринлари яратилди, етиштирилган ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорларга ҳам экспорт қилинмоқда. Бу борода мамлакатимизда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Ушбу йўналишлар оқсидан соҳаларни тубдан ислох қилиш ҳамда боқичма-боқич ривожлантириб бориш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочисига айлиниши зарурлигини таъкидлаб, ориқли саволни ўртага қўйган эди: “бу достур ижросидан халқимиз қандай нўфа кўрди? Қайси депутат ёки сенатор одамларимизнинг оғирини енгил қилишга соғлиқни сақлаш, экология, коммунал хўжалик, таълим ёки бошқа соҳаларда уларни қийинлашган муаммоларни хал қилишга қандай хисса қўшди?” Бу борода сиёсий партиялар муайян ишларни амалга ошироётган бўлса-да, лекин ҳали халқимиз ишончи тўла оқлангани йўқ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари Сиддиқ Намозов, Азамат Пардаев, Алишер Ҳамроев, Шерзод Тўхташев жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”га мувофиқ Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида бўлди. “Йўл харитаси”да белгиланган секторлар фаолияти бўйича уй-жой, коммунал ва йўл хўжалиги, электр энергия, сув ва иссиқлик таъминоти, транспорт қатнови, арзон уй-жойлар қуриш, намунавий маҳалла ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини шакллантириш масалаларини ўрганиб чиқди. Туманнинг Дахбед, Темирак,



Янгиговот-1, Учтепа, Узун, Ўзбекистон, Бобур ҳамда Амир Темир номидаги маҳаллаларидаги ўрганишлар чоғида халқ хўжалигининг турли соҳаларида ечимини қўлаётган, одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммолар мавжудлиги аниқланди. Икки кунлик ўрганишлар довомида депутатларга турли соҳада 50 га яқин мурожаатлар бўлди. Халқ таълими соҳасига оид масалаларнинг бештаси жойида хал этилди. Жумладан, 13-мактабгача таълим муассасаси иситиш тизимларини таъмирлаш, 26-умумтаълим мактабига электр симёғочлари ўрнатилди, 24-умумтаълим мактаби ҳудудини ўраш ҳамда йўлакларини таъмирлаш каби масалалар жойида ечим топди — ушбу масалалар ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”га киритилди.

Оқдарё дарёси устида анча йиллар илгари қурилган кўприкни 2014 йилда сув олиб кетган. Мазкур кўприк Оқдарё ва Пайариқ туманларини ўзара боғлаб турарди. Аммо ўтган даврда бу муаммо аҳоли учун анча қийинчилик туғдирди. Кўприкни қайта тиклаш борасидаги мурожаатлар бевътибор қолдирилгани одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлиб келаётган эди. Депутатлар ўрганиш ва аҳоли билан ўзма-ўзма мулоқотлар чоғида ушбу масалага эътибор қаратиб, кўприкни жорий йилда янгидан қуришни Самарқанд вилоятини ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”га киритдилар. Қурилиш ишлари вилоят кўприксоzлари томонидан амалга оширилиши кўзда тутилди.

Депутатларнинг бу каби амалий ишлари одамларнинг юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга, шунингдек, ўз вакилларига бўлган ишончини янада орттирди.

Фракция аъзоларининг жойлардаги ўрганишлари ва аҳоли билан мулоқотлари қизгин давом этмоқда.

Мухтарам КОМИЛОВА, Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ, Ориф ХОЛИҚУЛОВ, “Milliy tiklanish” мухбирлари

Муаммо ечим топди

ХАСТА КЎНГИЛГА КЎМАК

Бу дунёда бахтли ва тўқис яшаш учун одамга, аввало, соғлиқ-омонлик керак. Тани соғга қанда тўй. “Бир кунлик иситма қирқ кунлик кучни олар”, дейди халқимиз. Шу боис ҳам элнинг соғ бўлгани юртининг бой бўлганидир.



Самарқанд вилоятининг Ургут туманида яшовчи Мадина Рўзибоева ҳам тақдирнинг қутилмаган синовига дуч келди ва белида қузатилган оғриқдан анча азият чекди. 12 ёшга тўлганда шу вақтга қадар сезилмаган туғма сколиоз касаллиги уни безовта қила бошлади. Онаси Мавжуда она уни даволатиш учун шу йўналишда фаолият олиб бораётган бир нечта хусусий клиникага мурожаат қилиб, малакали шифокорлардан маслаҳат сўради. Барчаси зудлик билан беморда жарроҳлик амалиёти ўтказилди, бунинг учун унинг понасимон умурткасини олиб ташлаб, транспедикуляр фиксаторлар билан маҳкамлашда зарур бўладиган шуруп, стержин, комплект стабилизатор ва дори-дармон хароҷатлари ҳамда кўрсатиладиган хизмат кўп маблаб талаб қилишини айтишди. Қўлида ортичка пули бўлмаган она саросимада қолди ва бу масалода ёрдам сўраб бир нечта ташкилотга мурожаат қилди. Аммо, ҳеч биридан натижа чиқмади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан парламент аъзоларининг ҳар ой жойларга чиқиб, аҳоли билан яқиндан мулоқот қилиш механизми йўлга қўйилгани самарасида кўплаб масалалар қатори бу оиланинг ҳам неча йиллик муаммосига ечим топилди.

Шу йилнинг 15-20 январь кунлари

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов Самарқанд вилоятида бўлиб, аҳоли билан учрашувлар ўтказганида, фуқаро Мавжуда Худойбердиева ҳам қизини даволатишда амалий ёрдам кўрсатишини сўраб, мурожаат қилди. Самарқанд шаҳрида оиласи билан ижорода яшоб, моддий жиҳатдан қийинчиликка дуч келаётган бу аёлнинг дарду-хасратини тинглаган фракция раҳбари масала ечимида унга амалий ёрдам кўрсатишини билдирди.

Қисқа муддат ичида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги бир гуруҳ ЎзМТДП депутатлари саъй-ҳаракатлари билан Мадина Рўзибоеванинг жарроҳлик амалиёти учун зарур жиҳозлар пойтахтдан Самарқандга юборилди ҳамда вилоят ортопедия ва шикастланиш оқибатлари шифохонаси шифокорлари томонидан жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Салкам 4 соат давом этган ўта мураккаб жарроҳлик амалиётини тиббиёт фанлари номзоди Соидқосим Пардаев ва у кишининг шогирдлари муваффақиятли амалга оширишди. Тажрибали жарроҳ хулосасига кўра, айни пайтда бемор Мадина Рўзибоеванинг умумий аҳоли яқини ҳеч қандай шикайти йўқ. Тез орада шифохондан уйига жавоб берилди.

Сиёсий ўқув

КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

ЎзМТДП Марказий кенгаши 2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида кадрлар салоҳиятини оширишда замонавий усуллар, илеор технологиялардан самарали фойдаланишга иштирок этади. Бу албатта, бежиз эмас. Чунки мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда сиёсий партияларнинг фаол иштироки, аҳоли турмуши даражасини ошириш билан боғлиқ долзарб масалаларни хал қилишда бугунги давр талабларига жавоб бера оладиган салоҳиятли кадрлар муҳим ўрин тутаяди. Шу боис партия тизимида фаолият кўрсатаётган кадрларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада бойитиш, уларни бугунги кунда қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, барча соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва уларнинг натижаларидан хабардорлигини ошириш долзарб вазифа саналади.



Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши ташаббуси билан айни шу мақсадда “Партия тизимидаги ходимларнинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий йўналишдаги билим ва кўникмаларини оширишнинг устувор вазифаси” мавзусида сиёсий ўқув таъини этилди. Унда партия Тошкент шаҳар ва туман кенгашлари раислари, етакчи мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда педагогика фанлари доктори, профессор Шаҳноза Халилова “Сиёсий етакчилик ва сиёсий элиталар. Сиёсий партиялар имижини шакллантиришнинг ўзига хос усуллари” мавзусида маъруза қилди.

— Сиёсий ўқувлар орқали ҳудудий партия ташкилотлари ходимларининг мамлакатимиз ва дунёда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, ўзгариш ва янгилашлардан хабардорлиги ортади, — деди тадбирда ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси

демони бўлим бошлиги Дилбар Рашидова. — Ўқувлар жараёнида қабул қилинаётган қонунлар, уларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар, уларнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришдаги ўрни ва аҳамияти борасида батафсил маълумотлар берилди. Бу, ўз навбатида, партия ходимларининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билим ва малакасини ошириш, мустақил фикрлаши ва дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилади.

Сиёсий ўқувда аҳоли билан турли тадбирлар, пойтахт ва вилоятларда ишлашда партия вакилидан ижтимоий-сиёсий жараёнлардан хабардорлик, билим, ҳуқуқий савия, маънавий етуқлик талаб этилиши таъкидланди. Сиёсий партия ходимларининг ушбу муҳим жиҳатларни ўзида намён этиши натижасида партия нуфузи ошади, хайрихоҳлари сафи кенгайди.

Гулнора ВАҲОБОВА, ЎзМТДП Учтепа туман кенгаши раиси:

— Мамлакатимиз ҳаётида амалга оширилаётган ислохотлар сиёсий партиялардан ишни янгича йўлга қўйишни, ходимларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб, малакасини доимий равишда ошириб боришни тақозо этаётир. Сиёсий ўқувда тақдим этилган маърузани тинглаб, фикр-мулоҳазаларни эшитиб, партияимизнинг мақсад ва вазифаларини тўлиқ амалга ошириш учун бугун оламизда муҳим вазифалар тургани, улар ижросини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни изчил амалга оширишимиз лозимлигини яна бир қарра чуқур англаб етдик. Фаолиятимизни тизимли ташкил этишда зорур бўладиган тавсиялар берилди. Олган билим ва кўникмаларимиз партия сайловолди Платформаси ижросини таъминлаш, келгуси фаолиятимизни янада ривожлантиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА, Сардор МУЛЛАЖОНОВ (сурат), “Milliy tiklanish” мухбирлари

ЎзМТДП ташкилотларида

САРҲИСОБ ВА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИГИЛИШЛАРИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

«Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси ҳаётнинг барча соҳасини янада ривожлантиришни ўз ичига олган аниқ мақсад-вазифалар, устувор йўналишларни қамраб олган дастуриламал ҳужжат бўлиб, унинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини жойларда кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратишимиз керак, — деди партия етакчиси. — Ушбу Мурожаатнома барча мизини ягона мақсадга бириктирувчи, илғор, амалий ғоя ва ташаббусларни амалга оширишга замин яратувчи, пировардида ўз олдимиғза кўйган олий мақсадларга эришишга ундовчи ҳужжат сифатида муҳим аҳамиятга эга. Она Ватанимиз тақдирига дохилдорлик ҳисси билан яшаётган ҳар бир юрtdошимиз учун мазкур Мурожаатнома ўзига хос ҳаётий дастур бўлиб хизмат қилади. Унда ёш авлоднинг ҳар томонлама етуқ инсонлар қилиб тарбиялаш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам муҳим фикрлар билдирилган. Бу партия сайловолди Платформасида белгиланган кенг дунёқараш, замонавий фикрлардан баркамол авлоднинг тарбиялашга қаратилган мақсад-вазифалар билан ҳамоҳанг. Умуман, ҳар бир йўналишда олдимиғза турган долзарб вазифаларни амалга оширишда ташаббускор бўлишимиз лозим.



Кенгайtirилган йиғилишида партия сайловолди партия Марказий кенгаши Пленумида белгиланган вазифалар, 2017 йилда амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар, шу билан бир қаторда йўл кўйилган камчиликлар, 2018 йилдаги фаолиятнинг асосий йўналишлари атрофида муҳокама этилди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзолари, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳи аъзолари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Кенгайtirилган йиғилишида ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Мухаммаджонова иштирок этиб, жумладан, шундай деди:

— Сиёсий партиянинг жамият ҳаётида мустақам ўринга эга бўлиши, унинг ғоялари одамларга етиб боришида сайловолди Платформада белгиланган мақсад-вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнида ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партиянинг ҳар бир аъзоси ўз ҳуқуқ ва ваколатидан унумли фойдаланиши зорур. Зеро, аҳолининг оғирини енгил қилиш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларнинг вақтдан унумли ва мазмунли фойдаланиши кўникмасини юксалтириш борасидаги ишлар кўламини кенгайтириш барча даражадаги партия ташкилотларининг асосий вазифаларидандир.

Йиғилишида ЎзМТДП Сирдарё вилояти кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Шерзод Нурматов 2017 йилдаги фаолият яқунлари ҳамда 2018 йилдаги фаолиятнинг асосий йўналишлари ҳусусида маъруза қилди.

Таъкидланганидек, айна пайтда ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида ЎзМТДПдан сайланган 60 депутат фаолият олиб бормоқда. Улар аҳолини йўлантираётган масалаларни ўрганиши ва ҳал этишга яқиндан кўмак бераётди. Маҳаллий Кенгаш депутатлари бугун кенг ваколатларга эга. Бироқ барча ҳалқ вакиллари бу имкониятлардан тўлақонли фойдаланаяпти, деб бўлмайди. 2017 йилда ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари амалдаги қонунлар, Президент фармонлари, Давлат дастурлари ва ҳукумат қарорлари ижроси бўйича 381 депутатлик назоратини амалга оширди. Ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессиялари 23 ташаббус-масала олиб чиқилиб, қарор қобул қилинишига эришилди. Бу кўрсаткич ўтган йилдаги кўрсаткичлар билан таққосланганда 14 тага кўп. Ушбу саяҳат-харолатларнинг барчаси аҳоли муҳофазатларини таъминлашга қаратилган билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, кенгайtirилган йиғилишида партия фаолиятига оид бошқа масалалар танқидий таҳлил қилинди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгашининг қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг кенгайtirилган йиғилишида ҳам айна шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Унда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси кенгашлари аъзолари, Жўқорги Кенгашдаги партия фракцияси ва ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

Кун тартибидеги масала юзасидан партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Тожибой Романов маъруза қилди. Таъкидланганидек, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши 2017 йилдаги фаолиятини партия сайловолди Платформаси ҳамда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури юзасидан ишлаб чиқилган иш режаси асосида олиб борди. Жумладан, очик мулоқот, сайёр қабуллар аҳолининг мурожаатларини тинглаш, мавжуд масала ва муаммоларни ўрганиши ва уларни ечишга яқиндан кўмаклашишда муҳим омил бўлди. Партия ташкилотлари аҳоли, айниқса, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, саводхонлигини юксалтириш мақсадида қатор амалий тадбирлар ташкил этди.

Фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Музокараларда сўз олган партия фаоллари ва депутатлар ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини билдирди ҳамда намунали туман кенгашлари фаолияти эътироф этилди.

Яқунда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Андижон вилоят кенгашининг кенгайtirилган йиғилиши ҳам кўзгини рўйда ўтди.

ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Ҳамиджон Оминов партиянинг 2017 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисобот берар экан, ўтган йилда партия ташкилотлари ва гуруҳлари «Инсон манфаатлари — ҳар нарсадан устун» тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этиб фаолият олиб бorganини алоҳида таъкидлади. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ўз фаолияти давомида партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, сайловчи ишончини оқлаш, электрот манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратди. Худудларда, айниқса, қишлоқ жойларда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик, хунармандчиликни ривожлантириш, транспорт инфратузилмасини яхшилаш, маданий мерос объектларини муҳофазалаш, тўлим муассасалари билан боғлиқ масалаларни депутатлик сўровлари, тегишли мансбдор шахсларнинг ҳисоботини тинглаш, доимий комиссия ва сессияларга тақлифлар, ташаббус-масалалар олиб чиқиш орқали ҳал этишга кўмаклашилди.

Ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан қонун ва ҳукумат қарорларининг ижроси юзасидан ҳамда фуқаролар мурожаати асосида жами 427 депутатлик сўрови юборилган бўлса, шундан 306 тасига ечим топилди. Партия гуруҳларининг ташаббуси билан 30 мансбдор шахснинг ҳисоботи тинланди, маҳаллий Кенгаш сессияларига 13 ташаббус-масала олиб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Қайд этилганидек, йил давомида бир қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, булар юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ту-



Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар 376 депутатлик сўровини амалга оширди. Партия гуруҳлари ташаббуси билан 24 мансбдор шахснинг ҳисоботи тинланди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши ва ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларига 33 ташаббус-масала олиб чиқилди.

Таъкидланганидек, бу кўрсаткичлар ҳали етарли эмас. Депутатлар ўз ваколатларидан самарали фойдаланган ҳолда ташаббускорликни янада оширишлари, ҳудуддаги масала-муаммоларни ҳал этишга жиддий эътибор қаратишлари лозим. Чунки депутатлар фаолияти партия дастурий мақсадларини самарали амалга оширишга, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилади. Зеро, бугунги сайловчинини қуруқ ваздалор, ҳисоботлар билан ишонтириб бўлмайди. Сиёсий дунёқароши, тофаккури тобора юксалиб бораётган аҳоли ҳалқ вакилларидан аниқ ишлар, ташаббуслар кутади. Бу депутатлик мақомига сазовор ҳар қандай киши зиммасига улкан масъулият юклаши шубҳасиз. Модомки шундай экан, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳларимиз, депутатларимиз ваколатларидан самарали фойдаланишлари, ўз фаолиятини янги bosқичга кўтаришлари лозим бўлади.

Кенгайtirилган йиғилишида партия шунтириш, ЎзМТДПнинг ғояси, мақсади ва вазифаларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва партия электорати ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли қизиқинишлари ва мурожаатларини ўрганиши ва уларга ижобий ечим топишга қаратилди.

Кенгайtirилган йиғилишида ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони котиби Ҳусниддин Ражабов сўзга чиқиб, ўтган йилда ташкилот фаолиятида сезиларли ўзгаришлар кузатилгани, эришилган натижалар билан бир қаторда эътибордан четда қолган масалалар ҳам мавжудлиги ҳусусида тўхталиб ўтди. 2018 йилда партия фаоллари зиммасидаги масъулиятли вазифалар, худудлардаги муаммоларни ҳал этишда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг фаолиятини янада жонлантириш лозимлигига эътибор қаратди.

Йиғилишида партия фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Борча масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Фаолиятимиз талаб даражасидами?

«Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Айрим депутатларнинг масъулиятсизлиги сабаб партия гуруҳининг умумий фаолиятида баъзи камчиликлар юзага келди, ваколатлардан унумли фойдаланилмади. Жумладан, ўтган даврда халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия

ий-иқтисодий масалалар ечимига қаратилган тақлиф ва ташаббуслар билан чиқиш, электрот манфаатларини ҳимоя қилиш сиёсий партиялар олдида турган долзарб вазифалар сирасига кирди. Мазкур вазифаларни амалга оширишда худудий партия ташкилотлари ва гуруҳларининг ташаббускорлиги ва фаоллиги муҳим

БАЛАНДПАРВОЗ ГАПЛАРНИ ЧЕТГА СУРИБ, АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШ ЛОЗИМ



гуруҳи сессиялар кун тартибига бор-йўги учта масала киритиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришди. Бироқ қабул қилинган қарорлар ижроси ҳам тўла таъминланмади. Масалан, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг Тошкент шаҳридаги ижроси ўрганилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича қарор қабул қилинган бўлса-да, лекин пенсия вақтида олиш ёки ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ камчиликлар ҳамон кузатилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида сиёсий партияларнинг ёшлар ўртасида олиб бораётган ишлари, партиялар қоида ташкил этилган «Ёшлар қоноти»нинг фаолиятини танқидий баҳолаб, ёшларимизнинг тоғий, мафқуравий эҳтиёжларини қондиришда ташаббус ва амалий ишлар қамчилигини таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, ҳалқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари ва партия ташкилоти ходимлари ЎзМТДПнинг «Йўма-уй», «Депутат билан юзма-юз» лойиҳаси доирасида учрашувлар ташкил этиб, маҳалларда истиқомат қилаётган уюшмаган ёшлар ва хотин-қизлар билан мулоқотни йўлга қўйди. Учрашувларда ҳар бир мурожаат чуқур ўрганилди, масала-муаммоларни жойида тезкорлик билан ижобий ҳал этишга яқиндан кўмаклашилди. Бироқ, афсуски, ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган 15 депутатнинг барчаси ҳам мазкур жараёнда бирдек фаол иштирок этмади.

Шу ўринда айтиш жоиз, 2017 йил Тошкент шаҳар ҳалқ депутатлари туман Кенгашлари ташкил этилиб, сайлов бўлиб ўтди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар ҳамда туман кенгашлари мазкур сиёсий жараёнда муносиб қатнашиш мақсадида пухта тайёргарлик кўрди. Олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари самараси ўлароқ партияимиз 54 нафар депутатлик ўрнига эга бўлди. Айна пайтда Тошкент шаҳрининг 11 туманидан 10 тасида партиянинг депутатлик гуруҳи тузилди. ЎзМТДПдан сайланган 54 депутат пойтахт туманларида кечаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиб, партия дастурий вазифаларни ижросини таъминлаш, электрот манфаатларини ҳимоя қилишда ўз ҳиссасини қўшади, деб ишонамиз.

Таҳлиллар ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар аҳоли турмуш-тарзини ўрганиш, электрот мурожаатларига алоҳида эътибор қаратишга интилаётганини кўрсатмоқда. Бироқ бу барча депутатлар фаолияти талаб даражасида дегани эмас. Айрим депутатлар фаолиятидаги сусткашликлар, жойларда сайловчилар ва партия электорати манфаатларининг ифода этилмаётгани ечимини кутаётган масалаларнинг эътибордан четда қолишига сабаб бўлаётди. Аслида эса халқнинг ишонган вакили сифатида депутат халқимиз фаол, ташаббускор ва масъулиятли, фуқаролар дарди билан яшайдиган фидойи инсон бўлиши керак. Шунингдек, ЎзМТДПдан сайланган барча даражадаги депутатлар фаолияти партия сайловолди Платформасидаги вазифалар ижросини амалга оширишга ва шу орқали юрт тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилмоғи лозим.

Хоразм. Мамолатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиш, ижтимо-

аҳамият касб этади.

Бу борада ўтган даврда ЎзМТДП Хоразм вилоят, туман ва шаҳар ташкилотлари томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Вилоятдаги 16 минг 75 нафар аъзони ўзида бириктирган 342 кўйи бўйин партия ташкилотлари ва гуруҳларига жойлардаги муаммоларни аниқлашда кўмаклашди. Хусусан, депутатлар, партия фаоллари билан биргаликда «Йўма-уй» лойиҳаси доирасида хондон-ма-хондон юриб, ёшлар ва хотин-қизлар билан суҳбатлашди, уларнинг муаммоларини ўрганилди. Мазкур лойиҳа натижасида вилоятда бугунги кунга қадар юздан зиёд хондоннинг ўзига хос муаммолари турли даражадаги ижро ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларини жалб қилган ҳолда ҳал қилинди. Жумладан, 20 дан зиёд ёшларнинг бандлиги таъминланди, 40 дан ортиқ фуқаронинг саломатлиги яхшиланди, ўнлаб фуқарога моддий ёрдам кўрсатилди. Аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, бугун яши самара бераётган мазкур лойиҳа жорий йилда янада кенг қулоқ ёйиши, вилоятнинг энг чекка қишлоқларига ҳам кириб бориш режасида ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, аҳоли мурожаатларини ўрганиши ва ҳал этишда партия ташкилотлари ва депутатлар иштирокида мунтазам ўтказилган сайёр қабуллар ҳам муҳим аҳамият касб этди.

2017 йилда партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига фуқаролардан келиб тушган жами 233 мурожаатнинг 165 таси ижобий ҳал этилди. Бундан қаноатланмаслик, партия фаоллари ҳамда депутатлар янада фаол бўлиб, одамларни қийнаётган муаммоларини эътибордан четда қолдирмаслиги, ҳар қандай мурожаатни ижобий ҳал қилишнинг чораларини кўришимиз зарур.

Партия ташкилотининг электрот манфаатларини ҳимоя қилиш, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасидаги натижалари депутатлик гуруҳлари фаолиятида яққол акс этади. 2017 йилда ҳалқ депутатлари Хоразм вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар томонидан жами 366 та депутатлик сўрови амалга оширилди, улар ташаббуси билан 43 нафар мансбдор шахснинг ҳисоботи тинланди, доимий комиссияларга 78 та тақлиф, сессияларга 13 та ташаббус-масала олиб чиқилди. Бироқ ушбу натижа сайловчилар ишончини оқлаш ҳамда хотиржамлик учун асос бўла олмайди, албатта. Фаолиятнинг таъсирчанлиги ва аниқлигини кучайтириш, ўзлари қобул қилган қарорларни амалга ошириш, депутатлар сўровларига ижро этувчи ҳокимият органларининг муносабат билдириши масалаларида талабчанликни ошириш биринчи галдаги вазифадир.

Бир сўз билан айтганда, 2018 йилда партия фаоллари ва депутатлар давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, янада фаол ва ташаббускор бўлишлари, аҳоли эҳтиёжларини янада кенг ўрганиши, худудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қатъият билан ёндашиши керак.

Шерзод ХОЛМАТОВ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП ижрочи котиби, Алишер РАҲМОНОВ, ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Конуннинг манбаи — халқ

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

КОНУННИНГ ҲАЁТИЙ ВА ХАЛҚЧИЛЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

< **Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

— Айни пайтга қадар "Медиация тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрирда) қонун лойиҳалари бўйича партия фаоллари ва депутатлар томонидан юзлаб таклиф берилган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси ижрочи котиби Дониёрбек Эркин-

жанов. — Мазкур таклифлар партия Марказий кенгашидаги экспертлар гуруҳи томонидан сараланиб, жами 210 таклиф фракцияга тақдим этилди. Таклифларнинг 60 таси "Медиация тўғрисида"ги, 48 таси "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ҳамда 102 таси "Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасига тааллуқли. Улар қонун лойиҳаларига масъул бўлган кўмиталарга тақдим этилди.

ЎзМТДП ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар, партия фаолларининг қонун лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан билдираётган таклифлари ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқилганига эътиборга молик. Аммо мазкур жараёнда худудий партия ташкилотларининг барчаси ҳам бирдек фаол иштирок этди, деб бўлмади. Масалан, ЎзМТДП Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах вилоят, Тошкент шаҳар кенгашлари ҳамда мазкур худудлардаги депутатларимиз муҳофизатга қўйилган қонун лойиҳалари юзасидан бирорта ҳам таклиф берганини кан-

дай изоҳлаш мумкин? Ёхуд юқоридаги қонун лойиҳаларида кўзда тутилган масалалар мазкур худудларга дохилдор эмасми? Бу ҳолат ушбу партия ташкилотлари ва депутатлар партия дастурий вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, электротат манфаатларини ҳимоялашга сўст ёки эътиборсиз ёндашётганидан далolat беради.

Қонун лойиҳаларига таклифлар беришда партиянинг Сирдарё, Тошкент, Қашқадарё, Андижон вилоятларидаги ташкилотлари ҳамда депутатлари фаол иштирок этиб, мазкур ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўйдилар.

Маҳаллий Кенгашларда

Одамларнинг дарду таъбишлари билан яшашни фаолиятининг мазмунига айлантирган халқ вакиллари уларни рози қилиш, турмуши фаровонлигини таъминлаш, айниқса, чекка ва оқс худудларда яшашган фуқаролар ҳолидан хабар олиш, муаммоларини жойида ҳал этишни асосий аъмоли деб билади. Қолаверса, бу — бугунги замон талаби, халқ хоҳиши ифодасидир.

ХАЛҚ МАНФААТИ — ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Жойлардаги маҳаллий Кенгашлар депутатлари бугун қандай амалий ишлар билан банд? Улар одамлар ҳаётига нечоғлик кириб борди?

Ушбу саволларга халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясида сайланган депутатларнинг ўтган 2017 йилдаги фаолияти мисолида жавоб излади.

Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари ўтган йилда партиянинг "Ҳайма-уй" лойиҳаси доирасида аҳоли хонадонларида бўлиб, уларнинг муаммоларини бартараф этиш борасида тегишли сайё-ҳаракатларни амалга оширди. Аҳоли муносабатлари асосида мутасадди ташкилотларга 42 та депутатлик сўрови юборилди.

— Амалий ишларимизнинг ҳар бири аҳоли ва одамларнинг манфаатига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир, — дейди халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Лазиз Расулов. — Ичимлик суви, газ, иктымол таъминот, бандлик, соғлиқни сақлаш, таълим, йўл, коммунал соҳа ва шу каби йўналишларда масъулларга киритган депутатлик сўровларимиз, оғзаки ва ёзма муносабатларимизнинг аксарияти ўзининг ижобий ечимини топди. Ҳал этилмаётган қолган баъзи масалалар бўйича изланишлар тўхтагани йўқ. Масъулларга қайта-қайта муносабат қилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу сайё-ҳаракатларимиз натижаси инсон омилига хизмат қилади. Депутат — бу халқ вакили. У, энг аввало, мана шу ҳақиқатни унутмаслиги, аҳоли, электротат манфаатларига хизмат қилишдек шарафли вазифани суистеъмол қилмаслиги зарур. Аммо айрим депутатларимиз ўзларига билдирилган ишончни оқламай, ишига масъулиятсизлик билан ёндашётгани туфайли фаолиятимизда камчиликлар ҳам юзага келмоқда. Шу боис ўзига берилган воқолатдан самарали фойдаланмоётган, доимий комиссия йиғилишлари, сессияларда ташаббус кўрсатмаётган депутатлар жиддий огоҳлантирилди.

Ўтган йил партия гуруҳи ташаббуси билан Кенгаш сессияларига 4 ташаббус-масала олиб чиқилди. "Маданий мерос объектларини муҳофизат қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг худуддаги ижроси, "Шаҳардаги умумтаълим мактабларида таълим сифати ва даражасига, шунингдек, педагог ходимларнинг касб фаолиятига бўлган давлат талабларига риоя этилишини таъминлаш тўғрисида", "Тўй-ҳашам, оилавий таъна, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказиш тўғрисида"ги солиш тўғрисида" ҳамда "Қарши шаҳрида экотуризм ва маданий туризм соҳасини янада ривожлантириш тўғрисида"ги ташаббус-масалалар юзасидан сессия қарорлари қабул қилиниб, тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, биргина "Маданий мерос объектларини муҳофизат қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун ижроси юзасидан Қарши шаҳрида таъмирланган лозим бўлган зиёратгоҳ ва ёдгорликлар, тарихий обидаларнинг рўйхати тузилиб, ушбу рўйхат доимий янгиланиб бориши ташкил этилди. Эътибордан четда қолган қадимий манзилгоҳларни топиш ва ўрганиш юзасидан тадқиқотлар бошланди. Ёдгорлик мажмуалари ва зиёратгоҳларга бириктирилган масъулларнинг жавобгарлигини ошириш, эҳсон пулларини банк ҳисоб рақамларига белгиланган тартибда тушишини ташкил этиш, ҳомийлик маблағлари ҳисобини тўғри юритиш, зиёратчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш борасида таклифлар ишлаб чиқилди. Худуддаги мавжуд маданий мерос объектларини қайта ҳатловдан ўтказиш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Худудда туризмни янада ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кенгайтириш — бугунги куннинг устувор масалаларидан. Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи сессияга киритган "Қарши шаҳрида экотуризм ва

маданий туризм соҳасини янада ривожлантириш тўғрисида"ги ташаббус бу борадаги амалий ишларга йўл очгани билан аҳамиятлидир. Ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларида шаҳардаги қадимжоларни акс эттирган ролик ва буклетлар тайёрланди. Сайёҳлар учун кўргазмалар ташкил этиш, шаҳарнинг ўзига хос аёнана ва қадриятлари, тарихий обидалар, табиат манзаралари акс этган веб-сайт яратиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, бу қадим шаҳарда туғилиб ўсган, илм-фан ва маданият ривожига ҳисса қўшган буюқ тарихий шахсларга бағишланган мақола ва рисолалар тайёрлаш, уларни, энг аввало, маҳаллий аҳоли ва ёш авлод билан синдириш, сайёҳларга ҳавола этиш каби амалий ишлар режалаштириб олинди. Туристтик соҳаларнинг қатор йўналишлари бўйича мутахассис, олимларни жалб этиш ва эксперт гуруҳларини тузиш, шаҳар тарихини акс эттирадиган эсдалик совғалари, сувенир ишлаб чиқарадиган тадбиркорлар ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш, уларга қўмақлаштириш, худуддаги музей ва маданий мерос объектларига маҳаллий ва хорижий сайёҳларни кенг жалб қилиш, меъморий ёдгорликлар худуддаги савдо дўконларининг санитария ва гигиена қоидаларини асосида бўлишини таъминлаш, Қарши шаҳрига хориждан туристларни тўғридан-тўғри олиб келадиган фирмаларни ташкил этиш борасида аниқ вазифалар белгилангани эътиборга молик. Умуман олганда, Кенгаш сессияларига киритилётган ҳар бир ташаббус-масалада ҳамкорлар билан ишлаш, мутасадди ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш, уларни амалий ишларга кенг жалб этишга эътибор қаратилмоқда.

Депутатлик сўровлари аҳоли фаровонлиги ва халқ манфаатини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, депутат Суннат Оминовнинг "Шўртангаз" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси худуддаги сув қувурларининг эскириб қолганини, уларни таъмирлаш юзасидан Қарши шаҳар "Сувоқова" корхонасига юборган депутатлик сўрови ўзининг амалий натижасини берди. Пировардда худуддаги 15-, 17-, 24-, 34- ҳафта 36-кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган аҳоли вакиллари мушқули осон бўлди.

Партия гуруҳи аъзоси Гулрўх Жумаеванинг Оқтепа маҳалласи худуддаги бўш турган ер майдонида болалар спорт майдончасини қуриш борасида шаҳар ҳокимлигига юборган депутатлик сўрови бўйича ҳам амалий ишлар бошланиш арафасида. Маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари билан келишган ҳолда тадбиркор Алишер Содиков томонидан минастодион, шунингдек, кураш, таэквандо, бокс спорт тўғрараклари учун спорт майдончасини қуриш режалаштирилди.

— Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутатлари фаолиятида ижобий натижалар билан бирга баъзи йўналишларда сусткашликка йўл қўйилгани ҳам кузатилди, — дейди ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши раиси Дилшод Жамолов. — Депутатларнинг фуқаролар муносабатларини ўрганиш, қабул қилинётган қонун ва қарорлар мазмун-моҳиятини аҳоли орасида тарғиб-ташвиқ этиш, доимий комиссияларга таклифлар киритиш борасидаги фаолияти талаб даражасида эмас. Баъзи муаммолар масалаларга панжа орасидан қараш ҳолатлари учрайди.

Амалий иш ва аниқ натижага эришишда депутатларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги, ўз воқолатларидан унумли фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, хотиржаллик қайфиятига берилмасдан, фаолиятни танқидий таҳлил қилиб бориш, худуддаги турли масалалар юзасидан депутатлик сўрови юбориш, мутасаддилар эътиборини унга қаратишда фаоллик кўрсатиш лозим. Зеро, халқ манфаати ва аҳоли фаровонлиги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎзМТДП Қашқадарё
вилоят кенгаши
бош мутахассиси

Партия фаоллари ва депутатларнинг "Медиация тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан юборган таклифларидан намуналар:

Қорақалпоғистон Республикаси:
"Медиация тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг "Медиациянинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ўтказилиши" деб номланган 16-моддасида "Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари мунтазам равишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ходимларнинг медиация соҳасидаги малакасини ошириб боришлари таъминлади", деб белгиланмоқда. Қорақалпоғистонлик партия фаоллари ва депутатлар ушбу бандга қўйилган қўшимча киритишни таклиф этган: "Медиацияни ўтказиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ташкил этилган медиаторлар маркази фаолиятининг қонуний маҳомини мустаҳкамлаб бориш таъминлансин." Партиядошларимиз бу медиаторлар фаолиятини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ташкил этиш, маҳаллалардаги яраштириш комиссиялари фаолиятини қучайтиришга хизмат қилади, деб ҳисоблайди.
"Медиацияни ўтказиш муддати" деб номланган 25-моддада "Медиацияни ўтказиш муддати медиация ўтказиш тўғрисидаги битим билан белгиланади. Бунда медиатор ва

тарофлар медиация процедурасининг якунлаш муддати 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилиши учун барча мумкин бўлган чораларни кўришлари лозим. Зарур ҳолларда тарофларнинг ўзаро розилиги билан медиацияни ўтказиш муддати 30 кунгача узайтирилиши мумкин", дейилган. Партия фаоллари "зарур ҳолларда тарофларнинг ўзаро розилиги билан медиацияни ўтказиш муддати 15 кундан 30 кунгача узайтирилиши"ни таклиф этишмоқда. Чунки ишнинг боришига қараб муддат белгиланган, бунда энг қисқа вақт — 15 кундан 30 кунгача белгиланиши фаолият самарадорлигини оширади.

Андижон вилояти:
Қонун лойиҳасида "Медиациянинг воқолатли давлат органларининг таклифи ёки топшириғига кўра қўлланилиши" деб номланган 19-моддасида қонунда белгиланган ҳолларда воқолатли давлат органи ишни кўриши қолдириб, тарофларнинг муросога келишларига эришиши, шу жумладан ишнинг медиация тартибидан ҳал этилиши учун муддат таъинлаш мумкинлиги белгиланмоқда. Андижонлик партия фаоллари мазкур муддат 10 кун этиб белгиланишини таклиф этмоқда. Чунки медиация тартиби қўлланилиши борасида аниқ ҳолатлар тизими ишлаб чиқилмаса, бу талабдор томоннинг

норозилиги ва сансалорликка олиб келиши мумкин.

Бухоро вилояти:
Қонун лойиҳасининг "Медиация иштирокчилари" деб номланган 11-моддасида медиация икки ёки ундан ортиқ тарофлар ўртасида бўлиши, шунингдек, бир ёки бир неча медиатор томонидан ўтказилиши мумкинлиги белгиланмоқда. Партиядошларимизнинг таклифига биноан медиатор 1 нафар бўлиши ва у ҳеч қайси тарафга ён босмаслиги лозим. Медиаторнинг 2 ва ундан ортиқ бўлиши томонлар мувозанатининг бузилишига, медиаторларнинг тарофларга бўлинишига олиб келиши мумкин.

Сирдарё вилояти:
"Медиация қонунийлик, ихтиёрийлик, махфийлик, тарофларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги, медиаторнинг мустақиллиги ва беғарозлиги принциплари асосида ўтказилади". (5-модда) Сирдарё вилоятидаги партиядошларимиз ҳамда депутатлар медиациянинг ушбу асосий тамойиллари қаторига ишончлилик ҳамда натижадорлик принципларини ҳам қўйишни таклиф этмоқда. Шунингдек, "Медиация тарофларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари" деб номланган 12-модданнинг "Медиация тарофлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар ва мажбуриятларга ҳам эга бўладилар",

деган қисмини "Медиация тарофлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва воқолатларга ҳам эга бўладилар", тарзида тўлдиришни таклиф этган.

Қашқадарё вилояти:
Медиаторларга бўлган талаблар акс этган 13-моддада "Профессионал бўлмаган тарздаги медиаторлик фаолиятини йиғирма беш ёшга тўлган давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳсус тuzилган комиссиялар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари бўлган шахслар амалга ошириши мумкин"лиги белгиланмоқда. Қашқадарёлик вакиллари медиаторликка ёш муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, медиаторлик фаолиятини 25 эмас, 35 ёшга тўлган шахслар амалга ошириши мақсадга мувофиқлигини илгари сурмоқда.

ЎзМТДП ташкилотлари, депутатлар ва партия фаоллари ҳамда электротат вакилларида келган мазкур таклифлар қонун лойиҳасининг ҳар жиҳатдан пишқ ва муқамаллигини таъминлашга, халқчил ва ҳаётчиликка хизмат қилади. Шундай экан, бу жараёнда барча бирдек фаол қатнашиши муҳим аҳамият касб этади.

Муҳтарам КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутат сўрови — халқ сўрови

"ОЁҒИ ЕРДАН УЗИЛГАН" МУТАСАДДИЛАР

ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИНИНГ 33 СЎРОВИГА БЕПИСАНД МУНОСАБАТДА БЎЛИБ ЖАВОБ ҚАЙТАРМАДИ



< **Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Масалан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Одижон Маматқаримовнинг 2017 йил 30 май кунги вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига йўллаган сўровига ҳануз жавоб олингани йўқ. Мазкур сўровда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2016 йил 29 декабрда қабул қилинган "Наманган вилоятида жамоат жойлари, оммавий ахборот воситаларида ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилинишининг мониторинги натижалари тўғрисида"ги қарорини чуқур ўрганиб, ижросини таъминлаш, мониторинг давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш зарурлиги қайд этилган эди.

Дарвоқе, сўров матнида депутат сўровига қанча муддатда жавоб қайтарилган лозимлиги ва мазкур ҳолатда қонун бузилишига йўл қўйилса, жавобгарлик белгиланганлиги эслатма тариқасида кўрсатиб ўтилган. Буларнинг барчаси мазкур мутасадди ташкилот депутат сўровини умуман кўриб чиқмаган, дейиш учун етарлича асос бўла олади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида

одамларнинг турмуш тарзи, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолиси ҳаётининг фаровонлигини ошириш, ёшларга ҳар томонлама гомхўрлик кўрсатиш масаласи устувор вазифа этиб белгиланган. Ана шу дастурий мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, халқ депутатлари Чуст тумани Кенгаши депутати Жасур Йўлдошев туман автомобиль йўллоридан фойдаланиш корхонаси раҳбарига Ҳисорак қишлоғидаги Дўстлик ва Резаксой маҳаллаларининг ички йўллорига асфальт ётқириш ёки таъмирлаш юзасидан сўров билан муносабат қилди. Чунки кўчалар ҳолати талабга жавоб бермайди, айниқса, ёгин-сочин кўчаларда автомобильлар ва пиедаларнинг ҳаракатланиши учун бир қатор ноқулайликлар юзага келади. Лекин депутатнинг мана шундай долзарб муаммо юзасидан қайта-қайта йўллаган сўрови безътибор қолдирилди.

Бундан ташқари, халқ депутатлари Поп тумани Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Ҳошияхон Турғуновнинг 2017 йил 2 февралда вилоят солиқликни сақлаш бошқармаси бошлиғига юборган сўровига ҳам ҳеч қандай жавоб берилмади. Мазкур депутатлик сўровида тумандаги Найман қишлоғи аҳолиси учун тиббиёт пункти ҳамда арзон дори-дормон воситаларини етказиб берувчи

дорихона ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш сўралган. Буларнинг барчаси мутасадди идора ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятсизлигидан далolat беради.

— Маҳалламизда уч мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди Ёрилган маҳалласи фаоли Жўрабек Мирзажонов. — Худудимизда суялтирилган газ боллон алмаштириш шаҳобчаси ташкил этишда амалий ёрдам сўраб халқ депутатлари Янгиқўрган тумани Кенгаши депутати Аъзамжон Жўраевга муносабат қилдик. Муносабатимиз асосида ўтган йилнинг 4 апрелида газ таъминоти корхонасига депутатлик сўрови юборилган эди. Афсуски, халқ дарди билан яшашни ўзига эп билмаган мутасаддилар бу масалага ҳам ечим топмади.

Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутати Сардор Раҳимовнинг 2017 йил 23 февралда Наманган шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги "Намтрансавто" депортаменти бошлиғига жўнатган сўровда ҳам долзарб масала назарда тутилган эди. Яъни, аҳоли сони бўйича республикамизда учинчи ўринда турадиган Наманган шаҳрида ноқонуний йўловчи ташиш фаолияти билан шугулланиб келётган ҳайдовчиларнинг ҳаракатланишига чек қўйиш, йўналишимиз таксилар фаолиятини тартибга солиш, умуман йўловчи ташиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш ва хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ бу масалани ўрганиш тугул, ҳатто бир энлик жавоб хати ёзилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Депутатлик сўровида кўтарилаётган ҳар бир масала ортида, энг аввало, инсон тақдирини, унинг манфаатларини туради. Шундай экан, уларга қандай қилиб беписанд ва масъулиятсиз ёндашиш мумкин? Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, депутатга беписандлик — халққа беписандлик, деб баҳолашни шарт. Халқни ҳурмат қилмаган, депутатлик воқолатини амалга оширишга тўққинлик қилган ҳар қандай мансабдор шахс қонун олдида жавобгардир.

Оқилхон ДАДАБОВЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бугуннинг гапи

"СИЗДА "Zi-Zi" БОРМИ?!"

ЁХУД ТЕЛЕКАНАЛ ВА КЎЧАЛАРНИ "БЕЗАЁТГАН" РЕКЛАМАЛАР ХУСУСИДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ширинликлар рекламасида тажрибали актёрларнинг ҳам жуда асабга тегадиган ҳолатда кўриниш бериши, бежо хатти-харакати (масалан, "Ole" ширинлиги рекламасидаги) киши асабини эгавламасдан қолмайди. Шу ўринда бир мулоҳаза: эл суйган санъаткорлар истеъдодини ва маҳоратини шу бир неча лаҳзалик рекламага сарф этиши қанчалик тўғри? Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, улар атомнинг кучини ўтин ёришига сарфлашмайптими? Рекламаларни ҳам санъат даражасига етказиб, меъёрни унутган ҳолда, киши асаб толаларини чертмайдиган тарзда профессионал, сюжетли қилиб тақдим этиш мумкин-ку, ахир?!
Шоколад махсулотлари рекламаси кейинги пайтда телевизорни таъбир жоиз бўлса, "ёндирмоқда". Дастурхонимизда нонушанинг энг сеvimлисига айлиниб улгурган "chocotella" "chococream" шоколад пасталарининг ишлаб чиқарилаётганига ҳам, адашмасак, ўн йилча бўлди. Шу ўтган давр мобайнида фарзандларимиз ушбу махсулотга меҳр қўйиб улгурди. Ҳар кун неча марта олдидан "chocotella" еяман, бўлмаса, мактабга бормайман, деб ҳархаша қиладиган одат ҳам чиқарди. Шифокор-диетологлар кичик ёшдаги болалар организми учун нима фойда-ю, нима зарар экани ҳақида маърузалар ўқитган бир пайтда ширинликлар ўзининг рекламаси билан "танитиб улгурди". Ҳар кун неча марта олдидан ширинликлар акс этган реклама роликлари чойналган сақичдек айланавержанидан, сўзлари қарра жадвалидек мияга муҳрланганидан болаларга ширинлик, сунъий бўёқлар билан тўйинган махсулотларни маън этишнинг иложи бўлмай қолди.

— Ҳаддан ортик ширинликлар истеъмоли қилиш, организмнинг ҳоёт кечиретида физиолиги жароёнлар, ферментлар тизими ва моддалар алмашинуви бузилишига олиб келади, — дейди шифокор-диетолог Лола Қобулова. — Улар таркибидан кимёвий моддалар: маза ва хиди яхшиловчи озуқавий қўшимча, сунъий бўёқ, Е-рақамлар ўсиб келаётган организм учун ўта зарарли. Ҳатто катталар организм ҳам меъёрдан ортик ширинлик ва сунъий қўшимчаларни ҳазм қилишга қодир эмас. Бундан келиб чиқадими, рекламаларда бонг ўриб мактабга махсулотларнинг барчаси ҳам талаб даражасида эмас, организм учун фойдасидан кўра зарари кўп. Бу борада, албатта, рекламалар оқими (қачонки фарзандларимиз, ўзимизни ўйласак) меъёрга солиш керак, назаримизда.

Рекламаларнинг намойишига бир эътибор беринг-а: "Hot lanch" ярим тайёр ланчаси бир зумда тайёрланади, яна "ойижонимиз тайёрлангандек жуда мозали" (ушбу махсулот рекламасида шундай таърифланади). Болакай иштаха билан ланчани тоновул қилади. Энди айтинг, қайси она фарзандига сунъий овқатни раво кўради? Бу реклама тартиботидан шу нарса маълум бўладики, оналар фарзандига қўшимча кимёвий моддалар билан бойитилган махсулотларни бемалол ва истаганча бериши мумкин. Демак, ё биз катталар ўта замонавийлашиб кетдик, ё рекламалар...

Ушбу рекламанинг бошқа бир кўринишида опа-сингил телевизор томоша қилмоқда. Реклама сюжетига кўра, сингил ланчани тайёрлаб, телевизор кўриб овқатланмоқчи. Аммо телефон жиринглаб қолади ва сингил кўнғирокқа жавоб бериш учун чиқиб кетади. Визитдан фойдаланган опа (аслида унинг ўзи сингилсини чаплатиш учун кўнғирок қилган) ланчани еб, камига стол устига мушукни қўйиб юборади. Сингил хонага кирганида гўё "ланчасини мушук еб қўйган"дек таассурот пайдо бўлади. Бир қарашда жуда қизиқарили, киши қайфиятини кўтарувчи, ланчга янада "қизиқтирувчи" воқеа тасвирланган. Аммо унинг таъ замирига эътибор қаратсак, аввало, опа-сингил жуда данғаса. Овқатни ўхлайдиган ёки дам оладиган хонада тановул қилишнинг ўзи мантиқсизлик (уй бир хонали бўлса, тушуниш мумкин, аммо рекламада икки қаватли қоша на тасвирланган). Бундан ташқари стол устига мушукни қўйиб юбориш оддий гигиена ҳам тўғри келмайди. Янада таажжубланарлиси балогатдан этган қизларнинг тайёр ланча ейиши, кўзини телевизордан олмай бамайхотир ўтиришининг ўзи кишини хавотирга солади. Бу рекламалар асл маъносини данғасалик, тараллабедонликни тартиб қилишдан бошқа нарса эмасдек тасаввур ҳосил қилади. Қадим-қадимдан ўзбек қиз-оғллари меҳнатсеварлиги, оқилу донолиги, нововалигу ошпазлиги билан ном

қозонган. Улар (кун келиб авлодлари тайёр махсулотлар қўлига айланиб қолишини ҳатто тасаввур ҳам қилмаган бўлса керак) ланча еб, кунини телевизор қаршида ўтказишмаган. Бир ҳовуч ундан ҳам қумоч, ёвгон шўрва қилиб бўлса-да фарзандларига ўз қўллари билан таом тайёрлаб берган. Замон тақдим этган қулайликлардан фойдаланишнинг ана шундай киши илғамас жиҳатлари ҳам бор. Аммо бугунги замонавий бекаларимиз уйда ҳамма нарса муҳайё, рўзғори бут бўла туриб, ўз қўллари билан таом тайёрлаш эринмоқда. Бунга эса озми-кўпми телеканалларда намойиш этилаётган рекламалар ҳам "беминнат" хисса қўшаётгани айни ҳақиқат.

Сақичлар, дорилар, шарбатлар, қувват берувчи ичимликлар рекламаси ҳам жуда "болалаб" кетганига нима дейсиз? Энди уйқуга ҳозирлик кўроётганимизда пешонангиздаги экранда олмоҳон пайдо бўлади: "Сенда-чи, "Zi-Zi" борми?... Яна бир реклама шунчалар қулоққа ўрнашганки, болаларга қўшилиб шатавоқ отиб юборганингизни билмай қоласиз: "Kango" қани, "Kango"?!
Тўғри, тадбиркор пул тўлаб, эфир вақтини банд этади. Унинг махсулотини оммага тақдим қилиш керак (ҳар ҳолда пули тўлаб қўйилганидан кейин). Лекин томошобин — истеъмоли ҳуқуқи деган тушунчалар ҳам мавжудки, бу меъёрни ҳеч ким хатлаб ўтишга ҳақли эмас. Реклама олиш, уни омма эътиборига ҳавола этишнинг нафақат қонуний, балки эстетик-маънавий жиҳатлари ҳам борки, унга реклама берувчи ҳам, уни тақдим этувчи ҳам бирдек масъулдир.

— Албатта, ҳар бир тақдим этилаётган реклама махсулоти назоратдан ўтказилди, — дейди Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлаштириш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари Жаҳонгир Юнусов. — Давлат рақобат қўмитаси реклама соҳасини тартибга солувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади. Шу кунга қадар соғлом реклама муҳитини яратиш мақсадида бир қатор амалий ишлар бажарилди. Қўмита томонидан реклама базори иштирокчиларининг ҳуқуқий ва адабий совоҳдонлигини янада ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларнинг профилактикаси самардорлигини юксалтириш мақсадида Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси тизимидоги ва Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясига овоз бўлган нодавлат телерадиоканаллар, босма даврий нашрлар ҳамда тегишли реклама агентликлари билан ҳамкорликда реклама соҳасида таҳлил, муаммо ва камчиликлар боросида амалий-семинарлар ўтказилди. Ўтказилган тадбирларда оммавий ахборот воситалари ва реклама фаолиятини тартибга солишга оид қонун ҳужжатларининг ўзига хос хусусиятлари, йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари, соҳада мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш чоралари тўғрисида тегишли тушунтиришлар берилди.

Дарҳақиқат, намойиш этилаётган ҳар бир реклама мантикли, муайян маъно-мазмунга эга бўлиши зарур. Бироқ афсуски аксарият рекламаларда ушбу хусусият деярли учрамайди. Хусусан, "Amerikacha Ta'm 1905 yildan", "Orzu" osh tuzi — ta'omlarning orzusi", каби рекламаларда адабий тил меъёрларига амал қилинмаган. Биргина жумланинг ўзида қатор хатоликлар учради ва энг ачинарлиси бундай кўринишда бутун халқимизга намойишкорона тақдим этилиши ўзбек тилига бўлган ҳурматсизлик, билимсизлик намунаси эмасми?
Тил миллатнинг фахру ифтихори. Бундай аянчи ҳолатлар ўз она тилининг тақдир ҳақида қайғураётган ҳар бир инсонни ўйлантириши керак. Сабаби, ҳар битта ном остида она тилига ҳурмат ва ундан унумли фойдаланиш масаласи ётибди.

Рекламалар ҳақида сўз юритар эканмиз, яна бир мулоҳаза. Шаҳримиз кўчалари кундан кун чирой очиб, яшнаб бораётир. Аммо улар саришталлига соя солаётган реклама баннерлари, кўча рекламалари борки, дилимизни гаш қилмасдан қолмайди. Бугун мамлакатимиз туристик салоҳиятини оширишга катта эътибор қаратилаётган, сайёҳлар оқими кундан-кун

кенгайиб бораётган бир вақтда юртимизга ташриф буюрувчиларни на ўзбек, на бошқа тил меъёрларига тўлиқ амал қилмайдиган рекламалар билан қўтиб олиш қанчалик тўғри? Бугун нафақат пойтахтимиз Тошкент шаҳри, балки вилоят марказлари, туманларда ҳам афсуски, ана шундай ачинарли ҳолатларга дуч келмоқдамиз. Катта-катта реклама баннерлари, дўконлар, ўтук марказлари, боринги, киши кўзи тушадиган, ярқ этган жой борки, ажнабий сўзлар билан "безалган".
Айтайлик, янги фаолият бошлаган кўлаб таомхона дўконлар пешонасидаги "Мы открылись" деган ажабтовур эълонлар ҳақида бир неча йилдан бери айтилади. Бироқ деярли ҳеч нима ўзгаргани йўқ...

Шаҳор кўчаларидаги эълонлар, дўконлар номлари, улардаги бошқа эълонлар, умуман, ташқи эълонларда "Давлат тили ҳақида"ги қонун талабларидан четга чиқиб, сўзларни хато ёзиш оддий халга айлиниб қолаётгани кишида хавотир уйғотади.
Ўзқоқ бормайлик, пойтахтимизнинг шундоқки маркази, юраги десак ҳам бўлади, хорижликлар кўпроқ кириб ўтадиган ҳудуд — Олой базоридан Марказ-5 томон ҳаракатланганимизда бир қатор бежирим дўконларга кўзингиз тушади. Болалар учун очилган дўкон пештоқидаги электрон рекламада "Болалар ўйинчоғи, конселярий махсулотлари, оғил ва киз болалар кийимлари" деган жумлаларни ўқиб, таъбингиз хира бўлади. "IMZO NAVOIY", "IMZO JOMIY", "Erni boqsang — er seni boqadi" (аслида ерни боқсанг — ер сени боқади), "2 минг ҳил обой", "Evropa taomlar" (Европа таомлари бўлиши керак) каби бир қатор реклама баннерларидаги эълонларни ўқиб, нахотки хат-саводимиз, шу даражага тушиб қолди, дегингиз келадими...

Бугун шаҳримизда "донғи кетган" савдо марказлари, супермаркетлар талайгина. Лекин уларнинг номланишига бир эътибор қаратинг: "Maxpo", "Паpus", "Глобус", "Sunday", "Shedevr", "Next"... Шу каби бир қатор номлар билан аталган савдо марказлари, дам олиш масканлари юртдошларимизнинг сеvimли ошёнларига айланди. Ҳатто болалар дам олиш кунлари "Паруса борайлик", "Next", муз саройига олиб боринг", дея катталарни ҳоли-жонига қўймайдиган ҳам бўлди. Бу қайси бир жихатдан зомон талабидан келиб чиққан ёндашувдир. Аммо биз ўз шаҳримиз, ўз она Ватанимизни бугун бундай ажнабий номлар билан "безашимиз" қанчалик тўғри, деган саволни ўзимизга бериб қўришимиз керак. Ўзбек тили нахотки шу даражада қошқол бўлса?

Жаҳон андозасида "neuming" талаби бор. Бу — ишлаб чиқараётган махсулоти, жойлашган ўрни, фаолият турига қараб, корхонага ном бериш, уни аташ бўлган боғлиқ жараён. Яъни, содда айтганда, қўшма корхоналар учун қўйилаётган талаб. Лекин юқоридоқ номлар қайд этилган масканларнинг номланиши на бу талабга, на ўзимизнинг талабларимизга мос тушади.

Қонунчиликда реклама тақдим этиш билан боғлиқ бир қатор меъёр ва талаблар қўбул қилинган. "Реклама тўғрисида"ги қонун бу борадаги энг муҳим ҳужжат саналади. Унга мувофиқ, реклама тақдим этувчи қонунда белгиланган қўйилган меъёрий талабларга амал қилиши шарт. Амалдаги Қонунда ташқи рекламани маданий мерос объектлари, йўл белгилари ва светофорларда, уларнинг тиргаларида ёки ҳаракатни тартибга солиб турувчи бошқа ҳар қандай қуримларда, шунингдек довраҳатларни пайҳон қилиш ва туташ ҳудуддаги ободонлаштириш воситаларини бузиш йўли билан жойлаштириш таъқиқланади.

Масаланинг ечими сифатида эса туман депутатлигига сайланган депутатлар ўз ваколати доирасида сайланган ҳудудларида тақдим этилаётган, кўча-кўйни "безаб турган" (тўғрироғи, бежаб турган) рекламаларга ҳам эътиборли бўлса, нур устига оёло нур бўлар эди.

Мухтасар айтганда, тақдор бўлса-да айтиш жоиз, арзимасдек кўринган рекламалар таъзамирида она тилимизга бўлган ҳурмат, таъбир жоиз бўлса, миллиятга бўлган ҳурмат, таъбир жоиз бўлса, нур устига оёло нур бўлар эди.
Мухтасар айтганда, тақдор бўлса-да айтиш жоиз, арзимасдек кўринган рекламалар таъзамирида она тилимизга бўлган ҳурмат, таъбир жоиз бўлса, миллиятга бўлган ҳурмат, таъбир жоиз бўлса, нур устига оёло нур бўлар эди.

Мухтасар айтганда, тақдор бўлса-да айтиш жоиз, арзимасдек кўринган рекламалар таъзамирида она тилимизга бўлган ҳурмат, таъбир жоиз бўлса, миллиятга бўлган ҳурмат, таъбир жоиз бўлса, нур устига оёло нур бўлар эди.

Мухтасар айтганда, тақдор бўлса-да айтиш жоиз, арзимасдек кўринган рекламалар таъзамирида она тилимизга бўлган ҳурмат, таъбир жоиз бўлса, миллиятга бўлган ҳурмат, таъбир жоиз бўлса, нур устига оёло нур бўлар эди.

Ниғора НИШОНБОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Истикболли соҳа

Туризм ва бў соҳага оид тушуначаларнинг юзага келганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. "Туризм" атамасини биринчи бўлиб XIX асрда француз ёзувчиси Анри Стеюваль қўллаган ва фанга киритган. Лекин унинг илдизлари узоқ тарихга, антик даврга бориб тақалади.

ТУРИЗМ – МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бироқ XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларига келиб бугунги кун туризм соҳасининг ҳақиқий элементлари пайдо бўлди ва туристик хизмат кўрсатиш, меҳмонхона хизмати, саёҳатларнинг мақсадлилик даражаси алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Дунё бўйлаб сайёҳлар учун йирик меҳмонхоналар, кўнгличор масканлар борпа этилди. Соғломлаштириш, спорт, тиббиёт экологик туризми каби янги, замонавий сайёҳлик турлари ва йўналишлари пайдо бўлди. Кўндалик ҳоётимизда "ички туризм", "кириш туризми", "чиқиш туризми", "халқаро туризм", "эко-туризм" каби тушунчалар кенг қўлланила бошланди.
Бугун Ўзбекистон 8 мингга яқин тарихий ва маданий ёдгорликларни мавжудлиги боис, дунёдаги 10 етакчи мамлакат қаторига кирди. Юртимизда мавжуд 900 га яқин сайёҳлик ташкилоти, 600 дан зиёд замонавий меҳмонхона, 300 га яқин сайёҳлик компанияси ва бошқа сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини замонавий талаблар, жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш энг асосий вазифалардан бири бўлиб бормоқда.

Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Соҳани ҳар томонлама ривожлантиришга эътибор қаратилиб, муҳаммад қонунчилик базоси шакллантирилди ва бу борадаги ислохотлар изчил давом этмоқда.
Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантириши таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, 2017 йил 16 августда "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорнинг қабул қилиниши ва уларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ислохотлар юртимизда туризм ривожини яна бир поғона юқорига олиб чиқди.

Президентимизнинг жорий йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида республикага туристлар оқимини кўпайтириш, кириш туризмининг миллий иқтисодийнинг муҳим тармоқларидан бирига айлантириш, мамлакатнинг маданий-тарихий мероси ва табиий бойликларини кең тартиб қилишига қаратилган "Кириш туризмининг ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. "Ички туризмни жадал ривожлантириши таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор эса ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликларини билан таништириш мақсадида йўналтирилган. Ушбу қарорга мувофиқ "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" ички туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасининг тасдиқланиши келгусида соҳага оид муаммоларни бартараф этиш ва туризмни янада ривожлантириш, бу борада давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз раҳбари 2017 йилнинг 12 июль кунги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида туризм соҳасига алоҳида тўхталиб, аввало, Туризм соҳасини ривожлантириш йўлида ҳали ишга солинмаган катта имкониятларимиз мавжудлиги, бу тармоқ янги-янги иш ўринлари яратишда муҳим манба эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, маъзур дастуриламал маърузада "Миллий тикланиш" партияси миллий меросимиз ва қадриятларимизни тиклаш, уларни янада бойитиш билан бирга, туризм соҳасини ривожлантиришни ҳам

ўз олдига вазифа қилиб қўйгани, аммо партиянинг амалда бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш, мавжуд қонунларнинг ижросини назорат қилиш юзасидан фаолияти етарлича эмаслиги, партия ўз дастурдаги вазифалардан келиб чиқиб, назорат қиладиган давлат идораларини аниқлаб олиши, Маданият вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолияти устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини олиб бориши, улар билан тизимли ва доимий ишлаши лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Президентимиз белгиланган берган ушбу муҳим вазифалар асосида ЎзМТДП ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар, алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бугун ҳамкорликдаги тадбирлар билан биргаликда партиянинг Олий Мажлис қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатлар томонидан парламент ва депутатлик назорати олиб бориломоқда. Айниқса, туризм соҳасини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлган маданий мерос объектларини асраб авайлаш, уларни табиий ҳолатда сақлаб қолиш борасида партиямиз томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

2017 йил давомида "Маданий мерос объектларини муҳофазасида қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг "Археологик мерос объектларини муҳофазасида қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қорақалпоғистон Республикаси қонунининг ижросини таъминлаш ва назорат қилиш борасида 194 та, туризмни ривожлантиришга тааллуқли 47 депутатлик сўровининг юборилиши, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан маданий мерос объектлари муҳофазасига оид 63 мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилгани ЎзМТДП томонидан соҳани ривожлантириш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида олиб борилаётган фаолият натижасидир.

Афсуски, эришилган утуқлар билан бирга бу йўналишда ўз ечимини кутаётган талай муаммолар ҳам мавжуд. Туризм соҳасидаги маҳаллий кадрлар танқислиги, тартибот материалларининг етарли эмаслиги, яъни реклама соҳасининг сулғиши, меҳмонхона ва ресторон хизматларининг жаҳон стандартларига мослигини таъминловчи айрим хизматларнинг етишмаслиги, мамлакатимизда мавжуд қадимий, тарихий обидалар, маданий мерос ёдгорликлар тўғрисида тўлиқ маълумот берувчи қўлланмалар йўқлиги шулар жумласидандир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси 2018 йилда "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва қабул қилиш, зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризмни ривожлантириш, бу борада давлат-хусусий шериклик муносабатларини қўллаш ҳамда ички туризм соҳасидаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш, туризм соҳасига кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртлири ва касб-хунар коллежларининг ўқув дастурлари, моддий-техник базоси, педагог ўқитувчиларнинг билим совиясини ўрганиши каби вазифаларни амалга оширишни мақсад қилиб турган.

Бир сўз билан айтганда, туризм ва маданий соҳасини ривожлантириш, шу орқали миллий аънавларимиз, маданий ёдгорликларимизни асраб авайлаш, уларни келажақ авлодга етказиш, узоқ ва бой тарихимизни дунёга таништириш ҳисса қўлиши ЎзМТДП олдидаги мақсад-вазифалардандир.

Ойгул БОЙБЕКОВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия
қўмитаси девони бош мутахассиси

МММда

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

10 ЖИЛДАН ИБОРАТ ЯГОНА ТЎПЛАМ ШАКЛИДА НАШРГА ТАЙЁРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий матбуот марказида матбуот анжумани ташкил этди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 февралдаги "Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида қатор илмий-тадқиқот муассасалари Ўзбекистон Фанлар академияси таркибига қайтарилгани фан, техника, қишлоқ хўжалиги, иқтисоднинг инновацион тараққиёти ва кўлаб соҳалар ривожига сезиларли хисса қўшаётгани таъкидланди. Қарор доирасида ўтган қисқа давр мобайнида Фанлар академияси академиклигига яқинда ўтказилган танловда 32 академик аъзолликка сайланди. Фанлар академияси аъзолари ҳар томонлама кўлаб-қувватланмоқда.

— Ватонимиз тарихини бир тўплама жамлаш ва нашр этишдек хайрли иш шу пайтгача кейинга сурилиб келаётган эди, — деди Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти директори ўринбосари Шўҳрат Мухомедов. — Бу, ўз навбатида, баъзи манба ва адабиётларда ўлтимизишимиз турлича талқин этилиши, тарихий факт ва рақамларнинг бузиб талқин қилинишига олиб келарди. Фанлар академияси фао-

лиятидаги ижобий янгиланишлар сабаб яқин муддат ичида Ўзбекистон тарихининг катта қисми — 10 жилдан иборат янги тарихи нашрга тайёрланди. Тўпلامни академик ва қадимшуносларнинг ҳақиқий меҳнат маҳсули, деб аташ мумкин.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, Ўзбекистон Фанлар академияси инновацион технологияларни амалиётга жорий этаётган ёшларни алоҳида кўлаб-қувватламоқда. Сўнгги йилларда табиатда қузатилганда климат ўзгаришларига мослашувчан, тасодифий совуқ ҳаво ҳароратига чидамли қишлоқ хўжалиги махсулотларининг янги навлари яратилмоқда. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигига янги технологияларни жорий этиш орқали ҳосилдорлик ва тупроқ унумдорлиги бир неча баробар оширилди.


Фанлар академияси фаолиятидаги бу каби ижобий ўзгаришлар илмий-тадқиқот фаолиятининг кадрлар ва интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш, такомиллаштириш, муассасалар моддий-техник базасини тўдан яхшилаш, иқтидорли ёшларни илм-фанга кенг жалб этиш ва олимларнинг сермашаққат меҳнатини муносиби рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Исломжон ҚҶҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ҚЎРҒОН ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ

ЭЛ СУЙҒАН БАХШИЛАРНИ КАМОЛ ТОПТИРГАН

Ўзбек адабиёти тарихи, халқ озаки ижоди билан боғлиқ миллий маънавий меросимизни Қўрғон достончилик мактабисиз тасаввур қилиш қийин. Шу пайтгача бу мактаб 250 нафарга яқин катта-кичик бахши-шоирларга бешик бўлган. Улар орасида ўзбек халқ озаки ижодини ўлмаг достонлар билан бойитган Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳам бор эди. Қўрғон достончилик мактаби, айниқса, ушбу бахши-шоир ўқиб қилган даврга келиб машҳур бўлди.



Раҳматилла Юсуф ўғли ҳам шу мактабнинг вокили саналади.

Раҳматилла Юсуф ўғли 1917 йилнинг 10 мартда Қўшработ туманидаги Қорақисса қишлоғида (Қўрғон ҳам шу қишлоқдан ажралиб чиққан) дунёга келади. Отаси ўз доврнинг саводхон кишиларидан бўлган. Ўзининг саводли бўлишини истаган Қори Юсуф уни 8 ёшида мактабга беради. Ўша пайтда Қорақиссадаги мактабда Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳам муаллимлик қилар, ўқувчиларга достон ва маталлар айтиб бериб, араб алифбосида ёзиш ва ўқини ўргатарди. Раҳматилла Юсуф ўғли бахши-шоир Эргаш Жуманбулбул ўғли таъсирида 12-13 ёшида достон айтишга қизиқиб қолади. Ил марта "Қора кокил" достонини мустақил айта бошлайди. Мазкур достон аслида халқ эртаги бўлиб, ёш достончи-қиссахон ана шу эртақ сюжетни асосида ўзи достон битади.

Буни эшитган Эргаш Жуманбулбул ўғли бўлажак бахши-шоир хонадонига бориб, Қори Юсуфдан ўғлининг иқтидори борлиги ва ўзига шоғирликка беришини сўрайди. Раҳматилла Юсуф ўғлининг фольклор оламига кириши ана шундай бошланган. Эргаш Жуманбулбул ўғли шоғирдига достончиликнинг ўзига хос йўл-йўриқлари, халқ озаки

ижодининг услублари ва достон айтишнинг сир-асорини кунт билан ўргатади. 1937 йили Эргаш Жуманбулбул ўғли вафотидан сўнг Раҳматилла Юсуф ўғли хатирчилик машҳур бахши-шоир Пўлкан шоирга котиблик қила бошлайди. Пўлкан шоирнинг достончиликда сюжет тузишга жуда усталлиги Раҳматиллага кўп жиҳатдан қўл келади. Лекин у тиркичилик важи туфайли Пўлкан шоир собоғини кўп ололмаган.

Раҳматилла Юсуф ўғли 1946 йил Самарқандга келади ва у ерда ёзувчи ва шоирлар Мухсинзода, Саид Назар, драматург Исмоил Акрам билан танишади. "Ватан тақдир", "Келдим" каби шеърлари вилоят газетасида эълон қилиниб, мухлис мутахассислар эътиборини қозонади.

Ўша йили Тошкентда санъаткорлар кўриги бўлиши керак эди. Тасодифий бир воқеа билан Раҳматилла Юсуф ўғли нуроталик бахши Бекмурод Жўрабой ўғли билан 17 кун давом этган ушбу кўриқда иштирок этади. Унда халқ бахшилари ҳисобланмиш қашқадорлик Мардонқул Авлиёқул ўғли ва сурхондарлик Худойқул бахши биринчи ўринни эгаллайди. Энг қизиғи совриндорлар ичида бундай нуфузли кўриқларда илк мартаба иштирок этаётган Раҳматилла Юсуф ўғли ҳам бор эди. Унга биринчи даражали диплом топширилади. Шунинг охирида қайд этиш кераки, Раҳматилла Юсуф ўғлининг ижоди Тошкентдаги фольклоршунос олимлар диққатини тортади. Шундан сўнг Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти директори Ҳоди Зарипов, шу институт фольклор секторининг мудири Мансур Афзалов, кўрик ҳайъатининг расми Юсуф Султонов унинг ижодий фаолияти билан яқиндан танишади. Уни Тил ва адабиёт институти илмий ходимлигида тақлиф этишади. Бахши-шоирнинг "Қора кокил", "Суманбар", "Қирқ йигит ва қирқ киз" каби достонлари ёзиб олинади.

Кейинчалик "Вомиқ ва Узро", "Гўрўгли" туркумидаги 36 достонни ёзиб,

институт олтин фондига топширишда бевосита иштирок этади. Илмий ходим сифатида институтнинг фольклор сектори олимлари билан яқин ҳамкорлик қилади. 1975 йили Раҳматилла Юсуф ўғли ва бир гуруҳ бахши, фольклоршунос олимлар тайёрлаган "Тоҳир ва Зухра" китоби 60 минг нусхада чоп этилади. Бу, албатта, фольклоршунослар ва халқ озаки ижоди ихлосмандларини беҳад қувонтиради. Китоб 5 алоҳида достон — "Тоҳир ва Зухра", "Суманбар", "Зевархон", "Вомиқ ва Узро", "Гулшоҳ ва Варқа"ни ўз ичига олган.

— Раҳматилла Юсуф ўғли ўз термаларида кўпроқ ёшларга мурожаат қилиб, уларни ишчан бўлишга, ҳалол ҳаёт кечиришга даъват этади. Инсоннинг кўнглини кирлатадиган тухмат, ишқамаслик, ёлгончилик каби иллатларни қоралайди, — дейди Самарқанд давлат университети ўқитувчиси Усмон Қобилов. — У маҳоратли таржимон ҳам эди. Тожик халқ термаси бўлмиш

Раҳматилла Юсуф ўғли томонидан ёзиб олинган ва оғиздан оғизга ўтиб, айтиб келинган "Гўрўгли" туркумига кирувчи "Гўрўглининг тугилиб ўсиши", "Гўрўглининг болалиги", "Чортоқли чамбил", "Райҳон араб", "Юсуф билан Мисқол", "Ҳасанхон", "Қирқ йигит ва қирқ киз", "Гўрўглибекнинг Авазонни олиб келгани", "Хон Далли" каби достонлар анча довруғ қозонади.

"Латифаҳои тожики", Жамийнинг "Гулшоҳ ва Варқа" достонларини тожик тилидан ўзбек тилига муваффақиятли ўғирди. Бунда унинг форс-тожик, араб, рус, татар, туркман, бошқирд, қозок, қорақалпоқ, тунган, қирғиз, уйғур, озарбайжон тилларини мукамал билгани қўл келарди.

Раҳматилла Юсуф ўғли томонидан ёзиб олинган ва оғиздан оғизга ўтиб, айтиб келинган "Гўрўгли" туркумига кирувчи "Гўрўглининг тугилиб ўсиши", "Гўрўглининг болалиги", "Чортоқли чамбил", "Райҳон араб", "Юсуф билан Мисқол", "Ҳасанхон", "Қирқ йигит ва қирқ киз", "Гўрўглибекнинг Авазонни олиб келгани", "Хон Далли" каби достонлар анча довруғ қозонади.

Бахшининг беназир ижодий бойлигидан "Гўрўгли" достонлари мажмуасига кирмаган "Сунбулсоч бека", "Маликаи айёр", "Зулфизар" каби достонлар ҳам ўрин олган. У ҳам бахши, ҳам достонларни қозоғга туширувчи илмий

ҳодим эди. Бундай ҳислат ёки имконият ҳамма бахшиларда ҳам учрамайди. Чунки айтувчидан достонни эшитиб, уни қозоғга тушириш ва китоб қилиб тайёрлаш муайян билим ва малакани талаб этади. Бу икки жиҳат мужассам истеъдод эгаси китоб тайёрлашда хато ва камчиликларга йўл қўймаглиги шубҳасиз. "Қирқ киз ва қирқ йигит", "Нуралнинг ёшлиги", "Сунбулсоч бека" достонлари 1946-1947 йиллар, қолганлари эса 1964-1966 йилларда оққа кўчирилади. Шоир "Рўзахон", "Ёсқила", "Бозиргон", "Хиромон далли" каби Хоразм достонларини ҳам маромига етказиб қуйлаган.

Раҳматилла Юсуф ўғлининг сермазмун ижоди ва фаолияти фольклоршунос олимларнинг доимий диққат-эътиборида. Айниқса, филология фанлари доктори, профессор Ҳоди Зариповнинг бу борадаги хизматлари таҳсинга лойиқ. У бахши-шоир ижодининг камол топшишига кенг йўл очиб берган, умрининг

сўнги кунларигача Раҳматилла Юсуф ўғли билан ҳамсаф, ҳамкор бўлган.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари иккинчи ярмида ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил адабиёт институти Раҳматилла Юсуф ўғлининг Тўра Мирзаев ва Зубайда Ҳусайнова нашрга тайёрлаган "Гўрўгли" туркумидаги достонларини 4 жилда, 2007 йилда лотин алифбосида қайта нашрдан чиқарди.

Раҳматилла Юсуф ўғли асарлари ҳамон ўзбек халқ озаки ижодининг ажойиб дурдоналари сифатида эъзозланиб келинган. Ўтган йили Қўшработ туманида шоир таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди. Бунда Қўрғон достончилик мактабидан қайта тиклашга муносиб ҳисса қўшган Ойдин Синдоров, юридик фанлар доктори Комилжон Синдоров, профессор Абдулла Насимовнинг хизматлари беқиёс.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Инновацион голя — келажак асоси

УМРБЕК ЯНГИ РОБОТ ИХТИРО ҚИЛДИ

Хорижда деярли ҳар кун янги бир ихтиро яратилгани — замонавий робот "дунёга келгани" дароғини эшитамиз. Яқин-яқингача бир кун келиб ўзимизда ҳам шундай роботлар яратилиши, инновацион технологияларнинг кенг қўлчи ёйиши ҳақида фақат орзу қилардик, ҳоло.

Аммо бугун биз ана шундай имкониятлар оstonасидаимиз. Фаол тадбиркорлик, инновацион голялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили бугунги техника асрининг билими, заковатли ёшлари учун бу борада катта имкониятларни тақдим этмоқда. Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети телевизион технологиялар факультети талабаси Умрбек Нуррадинов робототехника йўналишида илмий изланишлар олиб бораётган иқтидорли ёшлардан.

...Умрбек техниккага ёшлигидан меҳр қўйди. Илк устози бўлмиш отаси Бахтиёр Ражабов билан бирга олиб бориладиган қизикарли машғулотлар, кичик симлардан тортиб, физика қонуниятлари ичига кириб боришга уни тамоман техника "асир"га айланттирди. Бир пайтлар кичик-кичик деталлардан нималардир ясаб, ўзича иктирорлар қилиб юрган болакай кун келиб жамиятга фойдаси тегадиган техник машина яратиши шунчаки бир ҳавас эди. Аммо бу ҳавас, дилдаги истак, кейинчалик мақсадга айлана борди. Бугун у ҳақиқий робот яратишга муваффақ бўлди.

Яратилган робот инсонлар учун хавфли бўлган ҳудудларда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, зарарли радиоактив моддалар бор жойларда нурланиш даражасини аниқлашда ёрдам беради. Қисқа айтганда, бу робот фавқуллоҳда возиятларда онлайн тарзда масофадан бошқарилади ва шубҳали, деб топилган буюмни зарарсизлантириш имконига эга. Роботни масофадан бошқариш имконияти мавжуд бўлиб, у симсиз очик жойларда 3 километр радиусда маълумот алмаша олади. Иккита жойстик (компьютер ўйинлари учун мўлжалланган қурилма) ёрдамида 433 Mhz диапазонда 30 дан ортик, бир вақтнинг ўзида эса 10 дан зиёд буйруқни бажариш



имкониятига эга. Ускуна бир марта қувватлантирилса, 3-4 соат ишлаш олади.

Ишланманинг асосий манбаси 2 та бўйин қисми, яъни тепага-пастга, ўнга-чапга қараш учун маълум гуруссларга аниқ бора оладиган мотор, ҳар битта қўли учун 3 тадан, умумий 6 та мотор, юриш қисми учун 2 та қучли редукторга эга бўлган мотор, бармоқлари учун эса 2 та серво мотордан фойдаланилган. Роботнинг тана қисмига 2 та овоз қучайтиргич ўрнатилган. Биринчиси оператор билан мулоқот учун керак бўлса, иккинчиси қўшимча тарзда аух кабель ёрдамида қурилмани мобил телефонга улаб, мусиқа эшитиш ёки овоз қучайтиргич қилиб фойдаланишга мўлжалланган.

— Ушбу яратилган роботнинг бевосита инсон билан онлайн мулоқотга кириша олиши ҳам унинг фойдалилик коэффициенти оширади, — дейди Умрбек Нуррадинов. — Иккала кўзига қўқ рангли 128 светодиод ўрнатилган. У мустақил тарзда ҳар тарафга қараб тасодифий вазиятини ўзгартириб

туради, ҳаттоки кўзини очиб-юмади ва бош қисмини ҳам унинг ҳолатига қараб ҳаракатга келтироди. Роботнинг бош қисмидаги сенсор олдида бирон тўсиқ бўлса, бош қисмини бошқа томонга бурари. Шунда роботнинг кўзлари қақнай бошлайди. Бу билан ногаҳоний хавфдан огоҳ этади.

Энг асосий вазифасидан яна бири, робот маълум бир зарарланган ҳудудга кириб бориб, жабрланган инсон шахсини аниқлаш учун бармоқ изи сенсоридадан фойдалана олади. Бунда жабрланган инсоннинг шахсини аниқлаган ҳолда жабрланган бўлиб унинг оила аъзолари ҳамда яқинларига хабар қилинади. Робот бармоқ изидан намуна олганидан кейин маълумотлар махсус база орқали қурилмани бошқараётган оператор компьютерига келиб тушоди ва у ерда шахс ҳақида паспорт маълумотлари акс этади. Бундан кўриниб турибдики, яратилган ихтиро нафақат хавфли ҳудудлар, балки жабрланганлар ҳақида ҳам тўлиқ маълумотлар тақдим этиш имконига эга.

— Бугунги ёшлар ҳар соҳада илгор, — дейди Умрбекнинг устози, техника фанлари доктори Саида Бекнозорова. — Уларнинг техника соҳасида эришяётган ютуқлари алоҳида таҳсинга лойиқ. Дунёнинг турли минтақаларида яратилган роботлар асосан инсоннинг маиший эҳтиёжлари учун хизмат қилмоқда: рўзғор юмушларини бажариш, жисмоний меҳнат билан шугулланиш каби. Умрбек яратган робот эса ўзининг фойдалилик жиҳати билан аҳамиятлидир. Бу инсон саломатлигини асраш, уни радиоактив нурланишлардан ҳимоя қилишда намоён бўлади.

Умрбек яқин келажакда ушбу роботни янада такомиллаштириб, олов, сув ва радиацияга янада чидамли бўлишини таъминлаш ниятида. Ҳозир ёш олим робот устида янада қизгин иш олиб бормоқда. Ушбу фойдали қурилма янада мукамал халатга келганидан сўнг патент олишга топширилади.

Нигора НИШОНБЕКОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг мусиқа

Маънавиятимизда қадимий ва бой маданиятимизни, миллий қадриятларимизни тиклаш, буюк аجدларимиз қолдирган маънавий меросни ўрганиш, тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ҚАЛБЛАРГА ИНГАН НАВО

Бухоро вилоятида буюк мутафаккирлар — ўзбек мумтоз адабиётининг забардаст вакиллари Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги ва Захириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 535 йиллиги муносабати билан мусиқа, шеърият ва нафосат кечаси бўлиб ўтди. Гиждудон миллий мақом ансамбли хонанда ва созандалари иштирокидаги ушбу тадбирда улғу шоирлар ғазаллари билан қуйланадиган мумтоз кўшиқлар ижро этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 11 ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ЎзМТДПнинг Бухоро вилоят кенгаши томонидан ташкил этган тадбирда партия фаоллари, мусиқашунос ва мақом усталари, санъат ихлосмандлари, ёшлар иштирок этди.

— Чин маънодаги юксак, бадий баркамол мусиқий асар тингловчи дидини чарқлаши, унинг санъат, ҳаёт ва умуман, борлиқ ҳақидаги фалсафий фикрларини янада теранлаштириши, тиниқлаштириши барчамизга яхши аён, — деди партия вилоят кенгаши расми Саиджон Ҳамроев. — Шу боис ҳам юртимизда миллий маданиятимиз ва санъатимизни равнақ топтириш, унинг бебаҳо намуналаридан халқимизни баҳраманд этиш, ёшларнинг мусиқий дидини ўстириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётди. Ушбу тадбирдан қўзланган мақсад ҳам миллий кўшиқчилик санъатини равнақ топтириш, унинг анъана ва мактабларини бойитиш, мақом санъати ривожини йўлида самарали меҳнат қилган ижодкорлар хотирасини эъзозлаш, ижодий фаолиятини кенг тарғиб этиш, бу йўналишда изланиётган ёшлар ижодини санъат ихлосмандларига таништиришдан иборатдир.

Гиждудонлик уста Шоди Азизов миллий кўшиқчилик санъатида ўзига хос мактаб яратган. У халқ кўшиқлари ва мақомларни маромига етказиб ижро этган санъаткор сифатида ўзбек ашулчилик санъати учун бой мерос қолдирди. Хусусан, Гиждудонда мақомчилар сулоласининг пайдо бўлишида унинг ҳиссаси катта. Уста Шоди ўз даврининг мақом билимдонларидан сабоқ олди ва шу тариқа санъат оламига қадам қўйди. Сўнгра тугилган қишлоғига қайтиб, ўзи сингари иқтидорли ёшларга мақом сирларини ўргатди. 1933 йилда республика ҳукуматининг қарори билан ушбу сайёр труппага давлат театри мақоми берилган, хонанда сифатида фаол иш олиб борди. 1939 йилда уста Шоди Азизовга "Ўзбекистон халқ ҳофизини" унвони берилган.

Устоз санъаткор кўллаб шоғирлар етиштириб, эл меҳрини қозонган эди. "От ўрнини той босар" деганларидек, Уста Шодининг ишини унинг вафотидан кейин ўғли Мухаммад Шодиев давом эттирди. 1959 йилда айрим сабабларга кўра тугатилган театр "халқ театри" номи



остида фаолият юрита бошлайди. 1973 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Марҳабо талантлар" танловида иштирок этиб, ғолиб бўлган дастага "Халқ мақомчилари дастаси" унвони берилди.

— Бугунги кунда халқимизнинг маданий савиясини ошириш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодни юксак инсоний голялар, она Ватанимизга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида камол топтиришда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир, — дейди дастаннинг бош маслаҳатчиси, II даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби Ражаб Авезов. — Ана шундай эзгу вазифаларни амалга оширишда давлатимиз раҳбарининг миллий мақом санъатини ривожлантиришга бўлган эътибори алоҳида ўрин тутди. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Абдулло Нарзуллаев ташаббуси ва сазой-ҳаракати билан Гиждудонда ҳам мақом мактабидан қайта тикланиши бой мусиқий меросимизни чуқур ўрганиш, ёш авлодни миллий мусиқа санъатининг мумтоз намуналарига муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилгани билан айна кўнглимиздаги иш бўлди. Бир ой ичида учта катта асар — "Мўғулча буюрқ", "Талқини узол", "Ироқи Бухоро", яққоҳон ижро учун "Сараҳбори оромижон", "Уфори оромижон" кўшиқлари устида ишлаш асосида мумтоз мусиқа ва ашулчиликни янада сайқаллашга эътибор қаратилди.

Дарҳақиқат, халқимиз қалбидан чуқур жой олган мумтоз ашулчоримиз руҳга кўтаринкилик бахш этади, эзгулик, инсонпарварлик, бағрикенглик каби олижаноб туйғуларни ўйоттади. Ана шундай эзгу мақсадларга ҳамоҳанглиги билан аҳамиятли бўлган мазкур тадбир ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида белгиланган тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачигдек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтиришга қўмақлашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг миқёсда тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ анъаналарига чуқур меҳр-ҳурмат, эҳтиром ўйотиш каби мақсад-вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилиши билан эътиборга молик.

Ҳанифа ОЛИМОВА,
Гиждудон туманидаги Бобур маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги БПТ етакчиси

Бизнинг шарҳ

ЭРКИНЛИК, МАСЪУЛИЯТ ВА ФИКРЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

НОРВЕГИЯ КОНСЕРВАТОРЛАР ПАРТИЯСИ ЎЗ ФАОЛИЯТИДА АНА ШУНДАЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНАДИ

Норвегия Қироллиги Шимолий Европа — Скандинавия ярим оролининг гарбий ва шимолий қисмида жойлашган. Майдони 387 минг квадрат километр. Аҳолиси 5,2 миллион. Пойтахти — Осло шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 19 фюльке (вилоят)га бўлиниди. Норвегия бошқарув шаклига кўра, конституциявий монархия. Амалидаги Конституцияси 1814 йил 17 майда қабул қилинган бўлиб, унга кейинчалик тузатишлар киритилган.



Давлат бошлиғи — қирол. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали парламент — Стортинг амалга оширилади. Унга ҳар тўрт йилда 169 депутат сайланади. Ижро ҳокимиятини Бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси билан 1992 йил 10 июнда дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Миллий байрами — Конституция куни 17 майда нишонланади.

Норвегия кўп партияли мамлакат. Бугунги кунда Норвегия парламенти (Стортинг)да 9 сиёсий партиядан сайланган депутатлар фаолият кўрсатади. Улар Норвегия ишчи, Консерваторлар, "Тараққиёт", Марказ, Социалистик сўл, Либерал ("Венстре"), Христиан халқ, Яшил, Кизил партиялар, деб номланади. Сўнгги йилларда мамлакатда Норвегия консерваторлар партиясининг нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ошди. 2013 йилга қадар мамлакат сиёсий ҳаётида Норвегия ишчи партиясининг ўрни юқори бўлиб келган. Хусусан, Марказ ҳамда Социалистик сўл партиялари билан коалицияга биришган Ишчи партия 2005 йил 12 сентябрда ўтказилган парламент сайловида галаба қозонади. Натижада партия вакили Йенс Столтенберг мамлакат Бош вазирлиги этиб тайинланади ва ҳукуматни бошқаради. 2009 йил 13 сентябрда бўлиб ўтган новбатдаги парламент сайловида ҳам мазкур коалиция яна галаба қозонади. Бу Йенс Столтенбергга ҳукуматни яна бир бор шакллантиришга имкон

берди. 2013 йилнинг 9 сентябрда ўтказилган парламент сайловида эса Норвегия ишчи партиясининг бир ўзи энг кўп — 55 мандатни кўлга киритган бўлса-да, лекин бу коалицияга ҳукуматни шакллантириш учун етарли бўлмади. Коалиция жами 72 (Социалистик сўл партияси 7, Марказ партияси 10) ўринни кўлга киритди. Мамлакат қонунчилигига кўра, ҳукуматни шакллантириш учун партия ёки партиялар коалицияси камидан 85 мандатга эга бўлиши керак. Бу сафар энг кўп ўрин Консерваторлар партияси бошчилигидаги ўнг марказлашган коалицияга насиб этди. Консерваторлар партиядан 48 номзод депутат этиб сайланди (аввалги сайловга нисбатан 18 нафарга кўп). Коалиция таркибидаги "Тараққиёт" партияси 29, Христиан халқ партияси 10, Либерал партия ("Венстре") 9 мандатни кўлга киритди. Коалициянинг жами 96 вокили Стортинг депутатига айланди. Натижада Консерваторлар партияси етакчиси Эрна Сульберг ҳукуматни бошқариш имконига эга бўлди.

Норвегия консерваторлар партияси узок тарих ва ўзига хос аъёналарига эга. Партия 1884 йилда ташкил топган. Эмиль Станг унинг илк раҳбари сифатида фаолият кўрсатган. Мазкур партия "Хейре" деб ҳам аталади. Бу норвег тилида "ўнг" маъносини англатади. "Хейре" ташкил этилган пайтдаёқ мамлакатдаги энг йирик сиёсий партиялардан бири бўлган. Ўтган асрнинг 80-йилларида консерваторлар

бир партияли ҳукуматни шакллантиришга муваффақ бўлди. 2005 йилги парламент сайловида эса ўз тарихидаги энг кўп натижани қайд этди. 2009 йилги сиёсий жараёнда партия ўз кўрсаткичларини бироз яхшилашга эришди. 2013 йилги сайловда сайловчиларнинг 27 фоиз овозини кўлга киритиб, парламентда ўринлар сони бўйича иккинчи партияга айланди.

Партиянинг олий органи — ер мажлиси (sentralstyret). Унинг фаолиятини марказий бошқарма (sentralstyret) ташкил этади. Марказий бошқарма йилда етти мартаба йиғилиш ўтказиб, унда энг муҳим масалалар — партия бюджети, дастури, ташкилий иш ва режаси муҳокама қилинади. Марказий бошқарманинг мажлислари оралиғида унинг вазифаларини ишчи кўмита (arbeidsutvalget) бажариб туради. Партиянинг ёшлар ташкилоти Ёш консерваторлар миллий иттифоқи деб аталади.

Партия ўз фаолиятида учта муҳим қадрият — эркинлик, масъулият ва фикрлар хилма-хиллигига таянади. Миллий қадрият ва аъёналарни сақлаб қолиш, мамлакатни замонавий тараққиётдан ортда қолиб кетмасликка даъват этади. Ҳар қайси консерватор йўналишидаги партияларда бўлгани каби "Хейре" ҳам мамлакат маданий мероси — мусиқаси, рақси, ҳунармандчилигини муҳофазо қилиш, музейлар фаолиятини яхшилаш, уларга одамларни кўпроқ жалб қилишни ўзининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилган.

Норвегия консерваторлар партияси иқтисодий либерализмни қўллаб-қувватлайди, социализмни инкор этади. Партия солиқларни, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини, бюджет харажатларини камайтириш тарафдори.

Партия сўнгги парламент сайловида трансчегаравий жиноятлар — одам савдоси, терроризм билан курашишда Европа Иттифоқи ҳамда халқаро ташкилотлар билан мустақам ҳамкорлик ўрнатиш, болаларга шафқатсиз муносабатда бўлишга қарши курашишни кучайтириш, уларнинг ўлимини камайтириш, бунинг учун тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш каби мақсад-вазифаларни илгари сурди. Партия сайловдаги дастурида оилаларда учрайдиган зўравонликларга қарши курашиш учун ҳуқуқ-тартибот органларига кеңг ваколатлар бериш ҳам назорда тутилган.

"Хейре" ташки сиёсат бўйича мамлакат учун Европа Иттифоқи билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш жуда муҳим, деб ҳисоблайди. Партия Атроф-муҳит бўйича Европа агентлигининг иқлим ўзгаришлари, "яшил иқтисодиёт" борасидаги тадқиқотларини молиялаштириши, ядро қуроли ва бошқа оммавий қирин қуролларини ишлаб чиқаришга қарши халқаро ҳамкорликни кучайтириш, бу борада янада самарали ҳужжатлар қабул қилинишига эришиш тарафдори.

Мамлакатнинг шимолий қисми уч округдан иборат бўлиб, табиий ресурсларга бой. Унинг имкониятларидан фойдаланиш мамлакат

тараққиёти ва халқ фаровонлиги, қўшимча иш ўринларини яратишда муҳим ўрин тутди. Қолаверса, бу ерда балиқчилик, туризм, нефть саноатини ривожлантириш учун қулай имкониятлар мавжуд. Шунингдек, партия ушбу минтақани ривожлантириш, бу борада кең қамровли миллий стратегияни ишлаб чиқишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Партиянинг иқтисодий соҳадаги асосий мақсади — хусусий секторда янада сердаромад иш ўринларини яратишдан иборат. Эро, иш билан таъминланганлик нафақат бир инсон, балки оила ва жамият фаровонлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Консерваторлар бизнес ҳамда саноатга сармоя киритиш ва инновацияни татбиқ этиш мақсадга мувофиқлигини таъминлаш, ишсизлик билан боғлиқ муаммолар ечимида муҳим ўрин тутди, деган фикри илгари сурди. Партия илгари сурётган ана шундай мақсад-вазифалар ижроси бугунги кунда ўзлик таъминланмоқда. Хусусан, Консерваторлар партияси раиси Эрна Сульберг бошчилигидаги ҳукумат томонидан амалга оширилган ислохотлар туфайли ўтган йили мамлакат бўйича 50 мингга янги иш ўрни яратилди.


Партия экологик барқарорликни таъминлаш учун "яшил иқтисодиёт"ни ривожлантириш, исгази ташланмалари миқдорини камайтиришни ҳам ўз олдига мақсад қилган. Чикинди — бу ташлаб юборилмаган нарса эмас, аксинча қайта ишлаш, фойдаланиш имкони мавжуд катта бойлик. Шу боис партия чикиндиларни қайта ишлаш, биоқилги ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, шунингдек, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кучайтиришни устувор вазифаларидан, деб билади. Партия сўнгги парламент сайловида мамлакат бўйлаб йўл қурилишини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида жароҳатланиш ва ўлим ҳолатларини 20 фоизга камайтиришга вояда берди. Бунинг учун педдалар, велосипед ҳайдовчилари учун махсус йўлаклар қуриш, ҳайдовчиларнинг автомобилни бошқариш чоғида тезликни меъёрдан ошириш ҳамда спиртли ичимлик ва тибханд моддаларни истеъмол қилиб бошқариш ҳолатлари устидан кучли назорат ўрнатиш бўйича ташаббусларни илгари сурди.

Мамлакатда сўнгги парламент сайлови 2017 йил 11 сентябрь кунини ўтказилди. Унда Норвегия консерваторлар партияси, "Тараққиёт", Христиан халқ партияси, Либерал партия ("Венстре")дан иборат ўнг марказлашган коалиция жами 88 мандатни кўлга киритиб, яна бир бор галаба қозонади. Норвегия ишчи партиясининг бир ўзи энг кўп — 49 мандатни кўлга киритса-да, лекин бу у мансуб бўлган коалицияга ҳукуматни шакллантириш учун етарли бўлмади.

Шаҳзод ҒАҒҒОРОВ, "Milliy tiklanish" шарҳловчиси



СУЗУВЧИ ҚУЁШ ЭЛЕКТРСТАНЦИЯСИ



Австралида мамлакатдаги энг катта сузувчи қуёш электрстанцияси ишга туширилди. Унинг қуввати 100 киловаттми ташкил қилади. Бу ҳақда "cleantechnica.com" хабар тарқатган.

Сузувчи электрстанция Лисмор шаҳридаги "East Lismore" заводда жойлашган. Унинг қуввати ҳозирча у қадар катта эмас, бироқ келгусида уни беш бараварга ошириш режалаштирилмоқда.

Оқова сувларни тозаловчи завод шаҳардаги энг кўп — йилига 1,57 миллион киловатт-соат энергия сарфлайдиган корхона санолди. Бу шаҳарда ишлатилмаган умумий электр энергиясининг 27 фоизини ташкил қилади. Электрстанция заводнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжининг 12 фоизини қоплайди (йилига 178,5 минг киловатт-соат) ва йилига 24 минг доллар тежашга имкон беради. Унга кетган сарф-харажатлар 11,6 йилда қопланади. Шунингдек, қуруқликда ўрнатилувчи 5 мегаваттлик қуёш электрстанциясини қуриш ҳам режалаштирилган.

Электрстанциянинг паст ҳароратда ҳам ишлаш олиши самарадорлигини оширади ва буғланишни камайтиради. Сузувчи қуёш электрстанцияси технологияси 1 минг 200 қалқи (поплавок), 280 қуёш фотоэлектр модули ва 15 лангардан иборат.

Айни вақтда энг йирик сузувчи қуёш электрстанциялари Япония (13,7 мегаватт) ва Хитойда (70 мегаватт) қурилмоқда.

ҲАМЁНБОП ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ



"General Motors", "Wuling Automobile" ва Хитойнинг энг йирик давлат автомобилсозлик компанияси — "SAIC Motor Corporation"нинг қўшма корхонаси ҳамёнбоп "Baoyun E100" номли электромобиль ишлаб чиқарди, деб ёзади "hi-news.ru".

Машинанинг нархи ҳудудий имтиёзлар қийматиға боғлиқ ҳолда 5,6 минг доллардан 9,3 минг долларга туради. У Хитойда энг арзон электромобиль бўлиши даъвогарлик қилмоқда.

"Baoyun E100" кичик ўлчамли машина бўлиб, узунлиги — 2,4, эни — 1,5, баландлиги 1,6 метрни ташкил қилади. Электромобиль 29 киловаттлик электродвигатель билан жиҳозланган. Бир қувватланишда 155 километр масофани босиб ўта олади. Машина атроф-муҳитга зарарли газ ва чикинди чиқармайди. Ўтган йили Хитойнинг Лючжоу шаҳрида унинг тақдироти бўлиб ўтган эди. Компания машинани Гуанси вилоятидаги яна бир нечта шаҳарда сотува чиқаришини эълон қилган.

ПЎЛАТ КАБИ МУСТАҲҚАМ ЁҒОЧ



Лянбинь Ху бошчилигидаги Мэриленд университетини (АҚШ) тадқиқот гуруҳи металл каби мустаҳкам ёғоч иштиро қилди, дейишади "hi-news.ru" сайтида.

Дастлаб "супер ёғоч"ни ихтиро қилиш учун ёғоч намуналарини натрий гидроксиди ва натрий сульфиди аралашмасида қайнатилди. Бу ёғочдан лигин ва гели-целлюлозани қисман йўқотиш имконини берди. Шундан сўнг ёғоч иссиқ босимдан ўтказилди. Бунинг натижасида унинг ҳужайра деворлари бузилди, материалнинг ичиди юқори даражадаги целлюлоза наноталпарни шаклланди. Ушбу жараён якунида одатдагидан анча мустаҳкам бўлган ёғоч ҳосил бўлди.

"Ёғочни қайта ишлашнинг янги усули уни 12 баробар кучлироқ ва 10 марта каттироқ қилиш имконини беради. Бу метаматериал пўлат ва ҳатто титан қотишмаларига рақобатчи бўлиши мумкин: ҳам бардошли, ҳам узок муддатта фойдаланишга мўлжалланган. Бундан ташқари, сезиларли даражада арзон", дейди Лянбинь Ху.

Олимларнинг таъкидлашича, мазкур жараённи турли ёғочларда ҳам қўллаш, "супер ёғоч"ни саноат миқёсида жуда кўп миқдорда ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришнинг биринчи босқичида унга турли хил шакл бериш мумкин.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Рангин дунё

ГИЛАМЛАРДА АКС ЭТГАН ҚАДРИЯТ

ЁХУД ОЗАРБАЙЖОН ГИЛАМЛАРИ МУЗЕЙИГА САЁХАТ

Гиламдўзлик — Шарқ халқларига хос қадимий ҳунар. Асрлар давомида ўзининг бетакрорлиги ва юқори сифати билан дунёда доврғ қозонган бир неча урғ, тўр ва мактаблари шаклланган: Хива гилами, туркман гилами, эроний гилам, турк гилами... Ушбу мураккаб ва қадимий санъат турри орасида Озарбайжон бетакрор гиламларининг ҳам ўз ўрни бор. Улар дунёга машҳур бўлиб, ўз тарихи ва фалсафасига эга.

Озарбайжон ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар мазкур мамлакатда гиламдўзлик санъати чукр илдишларга эга эканини тасдиқлайди. Гиламларда озарбайжон халқининг ҳаёти, турмуш тарзи, маданияти, тарихи, мамлакатнинг тақрорланмас ёрқин табиати акс этади. Бугун ҳам мазкур мамлакатда гиламдўзлик аъёнларини сақлаб қолиш, ривожлантириш, уни авлоддан-авлодга бус-бутун етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2004 йилда мазкур мамлакатда "Озарбайжон гиламларини сақлаш ва ривожлантириш тўғрисида" қонун қабул қилинган.

Қонунда миллий гиламчилик санъати аъёнларини сақлаш, ривожлантириш, ушбу йўналиш бўйича илмий ва амалиётчи ходимларни тайёрлаш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгиланган. Қолаверса, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг фармойиши билан 2016 йилдан 5 май санаси мамлакатда "Гиламдўзлар куни" сифатида кеңг нишонланади.

Боку шаҳрида Озарбайжон гиламлари музейи фаолият кўрсатади. Унда мамлакат гиламдўзлик санъати тарихи, ривожланиш босқичлари ва намуналари тўғрисида қимматли маълумотлар ўрин олган. У гиламларни тўплаш, сақлаш ва ўрганиш мақсадида ташкил этилган дунёдаги илк музей саналади. Ўтган йил ушбу муассаса фаолиятига роппа-роса 50 йил тўлди. Музей мамлакатнинг қадимий миллий гиламларини сақлаб қолиш, уларни тадқиқ этиш, халқ амалий санъати аъёнларини кең тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган. Музей коллекциясидан 14 минг гилам, кашта, либослар, тўқимачилик, зоргарлик санъати маҳсулотлари, шisha, ёғочдан ясалган замонавий буюмлар ўрин олган.

Озарбайжон гиламлари музейи 1967 йилда таниқли маҳаллий гиламдўз, россом Латиф Коримов ташаббуси билан ташкил этилган. Унинг дастлабки экспозицияси 1972 йилдан бошлаб



шаҳарнинг қадимий Ичкари шаҳар қалъаси ҳудудидаги Жума масжидида намойиш этила бошланган. Муассаса 1992 йилдан бошлаб Музей маркази биносига кўчиб ўтди.

Мамлакат раҳбарининг қарори билан 2008 йилда музейнинг замонавий биносини қуришга киришилди. Меъморлар Франс Янс ҳамда Валтер Мари унинг янги биносини йиғалаётган гилам шаклида бунёд этган бўлиб, замонавий меъморчиликнинг юксак намунаси саналади. Музей 2014 йилдан бошлаб ана шу бинода фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу муассаса Озарбайжон гиламлари тараққиётини ўрганишга қаратилган илмий марказ ҳам ҳисобланади. Унинг кўмагида гиламдўзлик санъатига боғишланган халқаро симпозиумлар, кўргазмалар ўтказиш яши аъёнгага айланган. Мисол учун, 1983 йилда Боку шаҳрида ЮНЕСКО шафелигида "Шарқ гиламдўзлик санъати" мавзусида симпозиум ташкил этилган. 1988 йилда музейнинг бевосита ташаббуси билан "Озарбайжон гиламдўзлик санъати", 2003 йилда "Озарбайжон гиламдўзлик ва халқ амалий санъати" мавзусида халқаро симпозиумлар бўлиб ўтди. Ана шу йўналишдаги сўнгги халқаро илмий кенгаш 2007 йилда ЮНЕСКОнинг Францияда жойлашган қароргоҳида музей асосчиси — Латиф Коримов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилди.

Озарбайжон гиламлари музейида мамлакатнинг турли ҳудудларидан тўқилган қадимий ва ноёб гиламлар сақланади. Музей коллекцияси эллиқдан зиёд мамлакатларда намойиш этилган. Муассаса экспозициясидан ўрин олган энг қадимий гилам XVII асрга оид "Овчулур" (Овчилик) деб номланган Та-

бриз гиламидир. "Сероби", "Шуша", "Боку", "Зили" нусхали гиламлар ҳам музейнинг диққатга сазовор экспонатларидан саналади. Музейдаги яна бир нодир экспонат XVIII асрга оид Боку шаҳри яқинидаги Хила қишлоғида тўқилган "Хила-Афшон" гиламидир. 1724 йилда тўқилган ҳуржун ҳам музейнинг қадимий буюмларидан саналади. Уни 2013 йилнинг 18 июнида АҚШлик коллекционер Гровер Шилтс музейга совға қилган "Аждархоли гилам" ҳамда "Сальян хиласи" деб номланган гиламлар ҳам ҳеч қайси томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Музей сўнгги технологиялар асосида жиҳозланган. Унинг залларида гилам тўқиш сирлари, гиламчилик тарихи, ипларга бўёқ беришга доир видеоасвирлар намойиш этилади. Ҳар бир қаватда муайян бир гиламдўзлик мактаби намояндаси томошабинлар кўз ўнгига гилам тўқиш, унинг тайёрлаш сирлари ҳақида маълумот беради.

Музейнинг биринчи қаватида махсус дўкон фаолият кўрсатади. Ундан кичик ҳажмдаги нақшинкор гилам, шолча, ипак рўмол, эсдалик буюмлар ҳамда Озарбайжон халқ амалий санъати, хусусан, гиламдўзлик санъати ҳақида ёзилган китобларни харид қилиш мумкин.

Ўзбек ҳамда озарбайжон халқлари маданияти, адабиёти, санъати, тарихи бир-бирига яқин ва муштарак. 2017 йилнинг октябрь ойида Тошкентдаги Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият марказида ушбу мамлакат мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан кўргазма зали иш бошлади. Мазкур кўргазма залдан қадимий ва бетакрор гиламдўзлик мактабининг "қўли гул" ҳунармандлари тайёрлаган гилам маҳсулотлари, миллий либос ва бош кийимлари, чолғу асбоблари ўрин олди. Мазкур кўргазма залнинг юртимизда очилиши икки қардош халқ ўртасидаги маданий алоқаларнинг янада чуқурлашиши, Озарбайжон гиламлари сир-асрорларини ўрганишга имкон беради.

Дилноза ХОЛБОЕВА, Термиз давлат университети талабаси

“ЎЗ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИ САҚЛАБ ҚОЛГАН ХАЛҚ МАНГУЛИККА ДАХЛДОР”

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЯХЁ ҒУЛОМОВ НОМИДАГИ АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ДИРЕКТОРИ, ТАРИХ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ АМРИДДИН БЕРДИМУРОДОВ БИЛАН СУХБАТ

— Ўзбекистон Фанлар академияси аъзолигига сайловнинг тикланиши, унинг таркибидagi институтлар фаолиятига эътибор, умуман, фан ва илм аҳлига муносабат бугун тубдан ўзгарди. Айни шу жараённинг бевосита иштирокчиси сифатида қўнғингиздан қандай йўллар кечмоқда?

— Бу борада, авваламбор, шунга айтиш лозимки, аждодларимизнинг илм-фанга дахлдорлиги олис мезога бориб тақалади. Бундан қарийб уч минг йил муқаддам аждодларимиз томонидан “Авесто” китобининг битилгани ҳам фикримизга яққол далилдор. Юртимиз ҳудудига дастлабки ибодатхоналар бундан 3 ярим-4 минг йил илгари барпо қилинган. Агар ибодатхоналар ўша пайтларда асосан таълим ўчоғи ёхуд маркази вазифини бажаргани инобатга олинса, биздаги илм-фан тарихини янада олисроқдан излашимиз кераклиги аён бўлади. Жаҳондаги кўп қисми фан пойдевори, тамол тошини айнан бизнинг ота-боболаримиз қўйгани ҳам бежиз эмас.

Тан олишимиз керак, XX асрнинг 60-90 йилларида келиб ҳам республикамизда илм-фан анча тараққий топди. Олимларимиз ядро физикаси, кибернетика, математика, химия, биология, астрономия, геология, шарҳунослик, археология каби соҳаларда катта кашфиёт ва тадқиқотлар қилди. Бироқ муайян даврда Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги илмий-тектирилш институтлари ходимлари сони қисқаргани, айрим институтлар ёпилиб, айримлари бошқасига қўшиб юборилгани, академия аъзолигига сайлов ўтказиш тўхтаб қолгани, пировардида кўп олимлар хоригга чиқиб кетгани ҳам сир эмас. Албатта, ҳар бир изланувчи ўз тадқиқоти мақсулини эътироф қилиниши, тан олинганини истайди. Мана, бир йилдан ошпятики возият бутунлай ўзгарди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг 30 декабрида мамлакатимиздаги таниқли илм-фан аҳли ва ар-баблари билан ўрчишиб, тўрт соатдан зиёд вoкt мобайнида уларнинг қўнғиндаги галларни, фикр-мулоҳазаларини, соҳага доир муаммоларни эшитди. Президент ўрчашув бошланиши-даёқ: “Мен бугун бу ерда сизларни эшитиш учун, ҳар бирингизнинг фикр-мулоҳазаларингизни тинглаш учун келдим”, деди. Бу ҳолатни пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг “Олимларнинг ёмони ҳукмдорларнинг олдиға борадилар, ҳукмдорларнинг яшилари олимларнинг олдилорига келадилар”, деб айтган ҳодиси шар-фига ментошга мумкин. Ўша ўрчашувдан сўнг Президентимиз олимларнинг барча тақлиф ва мулоҳазаларини эшитиб, таҳлил қилиб, зарур фармон ва қарорлар эълон қилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси аъзолигига яқинда ҳалис сайлов ҳам бўлиб ўтди: унда 30дан ошқч янги академик сайланди. Мамлакатимиз илм аҳли янги давр ислохотларидан илҳомланиб, куч ва ғайрат билан ишға киришдилар. Энг муҳими, ўзбек олимларининг ҳориқлик илм аҳли билан ҳамқорлик ўрнатиши, бу жаҳага ёш олимларни жалб қилиш учун улкан имконият яратилди. Бу сай-ҳоракатлар яқин вoкt ичда ўз саморасини беришиға аминман.

— Биз давлат қурган ва кўрган миллатимиз. Буни янги тарихимизда ҳам яна бир бор намoён қила олдик, деб ўйлайман. Мамлакатнинг бугунги раҳбари уни янада юксак босқичға кўтариш йўлида шиддатли ва кенг қамровли сай-ҳоракатлар олиб бормоқда...

— Давлатчилигимиз тарихи уч минг йилдан ошди. Бу давр мобайнида қанчадан-қанча сулолалар давлат тузиб, узоқ йиллар адолат билан бошқариб, аждодларимиз шон-шўхратини оламға ёйганлар.

Ватанимизда қодим-қодимдан ҳукмдорлар ҳам, оддий халқ ҳам адолат таъмоилини жуда қадрлаган. Тарихий манбаларда ёзилганича, бундан 2 ярим минг-3 минг йил илгари қадимий Хоразм ва Сўғдиёнада яшаган аждодларимиз адолат маъбудасига синган: тақвилларидаги бир кун ўша маъбудага банишланган бўлиб, ота-боболаримиз шу кунни ибодатхоналарға бориб адолат маъбудасига қўрбонлик қилган. Араблар келгунга қодар Самарқандда “Адолат уйи” номи ибодатхона бўлиб, бу ерда туркий тилда ёзилган қонунлар тўплами соқланган.

Сохиқирон Амир Темури қўлидаги узукда ҳам: “Куч — адолатда”, дегон ёзув бўлган. Ана шу узук тақилган қўл остидаги давлат 36 йил гуллаб-яшнаган, фаровон ҳаёт кўч сурганлигини эслайлик. Президентимиз Шавкат Мирзиёев олиб бoрoётган бугунги ички ва ташқи сиёсат, эълон қилаётган фармон ва қарорлар ҳам адолат таъмоилигига асосланган. Бугун миллий давлатчилигимизда шундай замонавий ва адолатли механизм яратилганки, оддий фуқаронинг ўз Президентига ёзган мактуби ўша куннинг ўзидаёқ давлат раҳборига етиб боради...

— Тарих билан археологияни, таъбир жоиз бўлса, эгизакларға қиёслаш мумкин. Улар бир-бирини тўлдирди ва бойитди. Лекин ақсарият ҳолларда тарих фаниға “қийин” бўлган: у салтанатлар, диктатуралар, айрим шахсларнинг сиёсати “қўрбон”ға айланган. Гарду чангаллар тозаланганидан кейин бутун-бутун даврлар тарихи ҳатто қайта ёзилган ҳолатлар учрайди. Бунга инсониятнинг узоқ ва яқин ўтмишидан жуда кўп мисол келтириш мумкин. Тарихни сохталаштириш, оқни қора қилиб кўрсатиш — бу нима, эҳтиёжми ёки оний ҳолат? Умуман, тарихни қайта ёзиш мумкинми ўзи?

— Бу фикрингизға тўлиқ қўшиламан. Дарҳақиқат, тарих фаниға кўпинча жуда “қийин” бўлган, бу — очик ва аччиқ ҳоқиқат. Бунинг, албатта, объектив сабаблари ҳам мовжуд. Бу, энг аввало, фаннинг бош вазифиси билан бевосита боғлиқ. Тарих — бу халқ хотираси. Унда аждодларнинг бир неча асрлик босиб ўтган йўли, шoнли ёки ҳалоқатли тақдир, тафаккур миқдиси, юта ва мaлғубияти жамланган. Авлодлар унинг воситасида ота-боболарининг қандай яшагани, қандай юксалгани ва қудратта эға бўлгани, зоифлиги, йўл қўйган



хотиси туфайли ёв истибдодини қай даражада бошидан кечирганини билиб олади. Аждодларининг буюк хизматлари, Ватон эрки ва тараққиёти йўлидаги қаҳрамонликларидон ифтихор туяди, гурурланади. Шу боис ҳар қандай истилочи босиб олган ери халқини ўз ўтмишидан боҳобар бўлиши, ёвқур аждодлари билан фахрланишиға йўл қўймайди: ўша халқнинг асл тарихини буткул йўқотиш ёки уни сохталаштиришға ҳароқат қилади. Мен яқин-яқинға бундай номақбул ишлар фақат бизда бўлган, дегон фикрда эдим. Бундан йи-ғирмо йилча олдин қўшни Афғонистондан келган зиёли ўзбек йиғити билан суҳбатлашиб қолдим. Унга: “Бизда советлар ҳақиқий тарихимизни ўрганишимизни истамгани учун кўп қилб ноёб қўлғизма ва далилларни йўқ қилиб юборган. Сизларда эса бундай ҳолат рўй бермаган”, дедим. Унинг жавоби мени буткул хайратта солди. Маълум бўлишича, Афғонистон мактабларида ўзбеклар тарихи умуман ўқитилмас, у ерда узоқ йиллар ҳукмдорлик қилган, давлат қурган ўзбеклар ҳақида лoм-мим дейилмас экон. “Ўзбекистондан энди китоблар олиб бориб балаларимизни ўқитяймиз”, деди у.

Халқ тарихи ва тили унинг тараққиёти ва жиқлашишида жуда муҳим ўрин тутди. Шу боис тараққий этган давлатларда тил ва тарихни ўрганишиға катта эътибор қаратилади. Масалан, Францияда француз тили ва ушбу мамлакат тарихи барча ўқув юртлири учун мажбурий ва асосий фан ҳисобланади. Буни Япония, Хитой, Жанубий Корея каби давлатлар мисолида ҳам айтиш мумкин.

Тарихни фақат мустамлақачилар сохталаштирадиган, уни ўз мақсад ва ҳоҳишларига мослаб тўхийди. Бунга ўзимизнинг яқин тарихимиз ҳам яққол мисол бўла олади. Аммо вoкt — олий ҳақам. У пайт келиб барча сохтакорликларни тарих қичқиндиҳонасига итқибиб юборади. Ҳур халқ барибир ўзининг ҳақиқий тарихини ёзади ва ўрганади. Инсоният тарихини ва ундаги воқеаларни ўзгартириш эмас, ақинча ундан сабоқ олиш, аждодлари йўл қўйган ҳолатларни такрорлашмаслик, шoнли тарихидон гурурланиш ва илҳомланиш ҳуқуқи берилган.

— Ўтмиш даври ёки янгилашиш каби ҳам қизгин, ҳам мураккаб жараёнда миллий бирликка катта эҳтиёж сезилади. Назаримда бизға бугун айни шу жиҳат жуда зарур. Миллий бирлик миллатни жиқлаштирадиган, қийинчиликларни мардонавор енгизишға ундайди, уни юксалтирадиган. Шундай эмасми?

— Фикрингизға тўлиқ қўшиламан. Дарҳақиқат, миллий бирликка жуда катта қудрат бор. Қанийди давлат идороси-дагилардон бошлаб, бeпoён қир-адирда мол боқиб юрган чўпон ёки дала-дашта тер тўкаётган дехқонғача бир хил фикр юртиса, унга ёш авлодга билим бeрaётган домла ҳам қўлисса, уларнинг истак-мақсади шу Ватон ва халқни қудратли қилиш, юксалтириш бўлса — бу қандай ажайиб. Аммо бу жуда мушкул иш. Лекин нима бўлганида ҳам миллий бирликка интилиш ва эришиш зарур. Айниқса, бугунги глобаллашув даврида бунинг энг долзарб вазифа, деб биламан.

— Маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ҳар қандай миллатнинг оёғига тушув, десак ҳақиқатини айтган бўлаамиз. Сиз нима деб ўйлайсиз, миллат ундон юксакка кўтарилмоғи учун нималар қилмоғи, нималарни енгиб ўтмоғи керак?

— Бу саволининг ҳар қандай зиёлини ўйлантириши табиий. Чунки биз маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик каби қўсурларнинг жабрини кўп торган, ундан катта зиён қўрган халқимиз. XVII-XX асрларда халқимиз бошиға тушган катта қулфатлар айнан шу қўсурлар билан боғлиқдир. Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган уч хонлик ўртасидаги тинимсиз низолар, ўзаро уруш-лар, пировардида заифлашиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империясига осон ем бўлишимизнинг асл сабаблари ҳам бевосита ана шу иллатта бориб тақалади.

Албатта, бу иллатни бир буйруқ ёки фармон билан йўқ қилиш жуда қийин. Уни йўқотиш ҳар биримизға боғлиқ. Буни бир ташкилот миқдосида тасоввур қилиб қўрайлик. Унинг раҳбари ўз идорасига ходимларни ишға олишда қандай таъмоилиларға амал қилиши керак? У аввало ўз ташкилотига ҳамшаҳри, ҳамқишлоғи ёки уруғ-аймоғини эмас, қўлидан иш келадиган, қорхона ривожига ҳисса қўша оладиган малакали қодрни олиши шoрт. Ташкилот ўшидан ривожланади. Аммо ҳoётда ақсарият ҳолларда бунинг ақсига дуч келамиз. Қўлидан иш келмаса ҳам бирор бир яқинимизға лавозим бeриш — бу ўша соҳани яннатилиш ўрниға бoрбoд бўлишиға хизмат қилади, ҳолос. Бунга буткул чек қўйиш вақти келди.

Тарихимиздан мисол келтирмаман. Жангда Жалолиддин Ман-губерди қўшинининг ўнг қанот лашкарбошиси ҳалоқ бўлади.

Султон бош вазирини унинг ўрниға муносиб одам топишни буюради. Вазир бир неча кундан сўнг номзодлар рўйхатини султонға тақдим этади. Рўйхат билан танишган султон вазирдан: “Ҳамми рўйхатта қўшилдирилми, ҳеч ким қолмадимми?”, деб сўрайди. Шунда бош вазир: “Султоним, кечиринг, фақат бир киши қолди. Лекин сиз уни ёқтирмайсиз, шу сабабли ушбу рўйхатға қўшмадик”, дейди. Вазир унинг исмини айтади. Султoн: “Ҳа, унда итнинг феъли бор, аммо қўмондонликда унга тенг келадигани йўқ. Қўмондонликка шунини қўйинлар”, дейди.

Етти ёт бeгoна бўлса ҳам ҳар бир ишға ўз касбининг устасини қўйиш керак. Давлатимиз раҳбари эл-юртға садоқатли қодрлар керак эканини бежиз бoт-бoт таъкидламоғайди. Демак, бундай иллатларға миллат ва Ватон манфаатини ўз шахсий манфаатимиздан устун қўя олган тақдиримиздагина чек қўйиш мумкин.

— Бу қўхна очунда гарчи бундай воқеалар кўп учраса-да, шоҳ ва олим Мирзо Улугбек билан ўгли Абдуллатиф ўртасидаги муносабат, зиддият, унинг сабаби ва оқибатларига яқин ўтмишимизда тарихий ҳақиқат эмас, ўша давр мафкура асосида қарашган ва талқин этилган. Бу зиёлилар, хусусан, тарихчилар ўртасида баҳс-мунозараларға сабаб бўлган. Лекин сиз улар ўртасидаги зиддиятнинг сабаблари хусусида мутлақо янги далилларни илгари суряспиз. Ва у кенг жамоатчиликка катта қизиқиш уйғотгани сир эмас...

— Қарийб олти асрдон буюв инсоният ўз отаси Мирзо Улугбекнинг жонига қасд қилган шахзода Абдуллатифни падарқув сифатида лoнaтлаб кeлади. 1449 йилнинг қузида Самарқанд чекқасида юз берган бу машъум фожеанинг ташкилотчилари ва ижрочилари ҳақида кўп маълумотлар соқланган. Аммо шунға қарамай собиқ совет тузими даврида бу фожеанинг асл сабаблари ёзилмади, балки ўша давр мафкурасидон келиб чиқиб ҳақиқат яширилди, сохта фикрлар айтилди. Бунда кўпчилик академик Қори Ниёзий ва профессор В.Шегловнинг илмий ҳулосаларига таянди. Улар Мирзо Улугбек астрономия билан шугуллангани учун реакцион диндорлар томонидон даҳрийликда айбланган, у прогрессив илмға қарши бўлган руҳонийлар фитнасининг қўрбони бўлган, деб ёздилар. Уларнинг бу фикрлари кейинчалик Мирзо Улугбек тўғрисида ёзилган барча бадий асарлар ва фильмлар учун асос бўлиб хизмат қилди.

Ҳўш, бу икки олимнинг фикрлари асослими? Тарихий манбалар бу фикрни тасдиқлайдими? Бунинг учун, аввало, Шарқда астрономия билан шугулланиш даҳрийлик ҳисоблангани, дегон саволға жавоб излаб кўрайлик.

Инсоният кашф қилган барча илмларнинг Ватани ҳисобланган Шарқда астрономия билан жуда қадимдан шугулланган. Ислон дини араб мамлакатлари, Эрон ва Мовароуннаҳрда кенг ёйилган астрономия фани бойиб, ривожланди. IX асрда халифа ал-Мамун даврида ислон фанининг маркази Ба-ғдатда аш-Шафийи ва шунинг яқинида яшавган аш-Шафийи



додда биринчи расадхона барпо қилинди. Айнан шу даврда ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний ҳам астрономияда катта қодимчилик қилиб, мусулмон ва христиан дунёсига ном қозонган. IX асрнинг иккинчи ярмида Самарқандда алломо Мухаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ас-Самарқандий астрономик тадқиқотлар олиб бориб, “Ал-Ҳақимға бағишланган улук зиж” номи илмий китоб ёзганлиги маълум. Мошхур шоир, алломо Умар Хайём ҳам астрономия билан шугулланиб, “Маликшоҳға бағишланган астрономик жoвoл” номи асар ёзган. Аммо уларни ҳеч ким даҳрийлик ёки ширқда айбланмаган.

Амир Темури саройида ҳам астрономлар илмий тадқиқотлар олиб бoрганилиқори манбаларда қайд этилган. Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб ҳулоса қилишимиз мумкинки, Шарқ мамлакатларида қадимда ҳам, ислон дини жорий этилганидан кейин ҳам астрономия билан шугулланиш даҳрийлик ёки диндан қайтиш ҳисобланмаган. Ақинча, ислон давлатларининг ҳукмдорлари бу фанининг ривожини учун ҳoмиёилик қилганлар. Шу сабабли, Мирзо Улугбек астрономия фани билан шугуллангани учун даҳрийликда, шариятдан чекинишда айбланган, дегон фикр ўз-ўзидон пучоға чиқди.

Собиқ совет даврида ёзилган айрим бадий асарларда Мирзо Улугбек ислон динига бeпoнсoнд қараган, ҳудоси, атеист шахс сифатида тасвирланган. Аммо тарихий манбалар бунинг батамом ақини кўрсатади. Мирзо Улугбек билан ёнмо-ён илм қилган Ғиёсиддин Жамшид ал-Қашийнинг ёзишича, султoн муқаддас Қуръоннинг катта қисми ва унинг ҳар бир оятиға ёзилган шoрҳларни ёддон билган. У ҳар кун қорилар ҳузурда икки сурани ёддон ўқиш шoрҳлагон. Пайғамбаримиз ҳадисларининг катта қисмини ёд олган. Шундай ҳудожўй инсонини шoқоқ қилиб кўрсатиш учун оғволабор ўша “олим”нинг ўзи имонсиз бўлиши керак эмасми?

Унда Мирзо Улугбек фожеасининг асл сабаблари қаерда, дегон ҳақли савoл туғилади. Бу савoлға жавоб бeриш учун Мирзо Улугбекнинг ҳукмдор сифатидаги фаолияти ва у олиб бoрган ислохотларға эътибор қаратиш жоиз.

Маълумки, Мирзо Улугбек чинакам халқларвар, адолат-парвар ҳукмдор бўлган, халқнинг иқтисодий аҳволини енгил-лаштириш учун ўчта йирик ислохотни амалға оширган. Дoстлoб ердон олинанидан солиқ миқдорини анча қамойтиради. Сўнг мамлакат ҳудудига пулни ислoх қилади. Ислoхот икки бoсқичда амалға оширилади. Аввал қиймати ва оғирлиги баланд бўлган янги қўрнинидаги мис тангалар зарб қилинган. Ундон сўнг эски тангалар янгисига алмаштирилган. Эски тангалар бутунлай алмаштирилиб бўлинган, янги тангаларни зарб қилиш марказлаштирилган, яъни улар фақат Бухорода тайёрланган. Пойтахт Самарқандда эса асосан олтин ва қумуш тангалар зарб қилинган. Бунинг натижасида халқнинг мис тангаларға бўлган ишончи ортиб, сoвдo-сoтиқ ривожланган. Бироқ бу икки йирик ислохот натижасида катта ер эгалари, мулкдорлар ва йирик шаҳарларнинг ҳoқимлари фойдадон маҳрум бўлган. Чунки, ислохотларға мис тангалар Мовароуннаҳрнинг бир неча йирик шаҳрида зарб қилинар, қолқошлик ва қоллобиклар рўй бeрoр, бундан кўп амалдорлар ўз манфаати йўлида фойдаланар эди.

Ислохотлардон давлат ҳазинаси қўрган зарoр сoвдo-сoтиқ ва ҳунoрмандчиликдан олинанидан тамға солиғи ёзвиза қолланарди. Айнан мана шу солиқ катта мулкдорларнинг то-моғига ҳудди қoттик суяк каби тикилади. Шариятда назoрда тутилмаган бу солиқни дастлаб мўғуллар жорий қилган бўлиб, у Амир Темури давлатида ҳам ўз кучида қолган. Гарчи катта мулкдорлар бу солиққа ич-ичидон қарши бўлса-да, лекин ҳеч ким бу ҳoқда Амир Темуриға бoтиниб ойма олмаган. Одий халқ манфаати учун тамға солиғини сақлаб қолган Мирзо Улугбек мулкдорларнинг ҳар қандай норозилигига қарамай уни бeқoр қилмайди. Бунға қийод олмаган мулкдорлар уни шарият тартиб-қoдаларини бузганликда айблади.

Мирзо Улугбек ана шу сиёсати туфайли йирик мулкдорлар, бой-бадавoлт дин арбоблари, амирларнинг қаршилиғига дучор бўлади: ҳукмдор сифатида уларға қeрaк бўлмай қoлади. Бундай вoзиyтини дoрҳoл англаган Абдуллатиф отаси билан низолашган, ўзи ҳoқимлик қилган Балх шаҳрида тамға солиғини бeқoр қилиб, катта мулкдорлар, сoвдoгoрлар, амирларнинг олқишиға сoвoрoр бўлди ва уларни ўз томоғини оғдириб олади. Ана шундан сўнг мовароуннаҳрлик мулкдорлар ҳам ғимирлаб қолишди. Улар бизға энди ҳукмдор Мирзо Улугбек эмас, унинг ўғли, шахзода Абдуллатиф қeрaк, дегон фикрға кeладилар.

Мовароуннаҳрлик бой-бадавoлт кишилар аста-сeкин Абдуллатиф атрофига тўплана бошлади. Кўнгли тожу тахтни истаб қолган падарқув Абдуллатиф учун бу жуда қулай вoзиyт эди. Мирзо Улугбек фожеасининг асл илдиэларини унинг олимлиғи эмас, ҳукмдорлик фаолияти билан боғлиқ. Замонавий ибора билан айтганда, Мирзо Улугбек XV аср олигархлари уоштирган фитнанинг қўрбони бўлган эди. Падарқув Абдуллатиф ҳатто шу даражада етoдики, тахтни эгаллаганидан сўнг тoнға зарб қила бошлагач, унга “Абдуллатиф ибн Мирзо Улугбек” деб эмас, “Абдуллатиф ибн Мирзо Шoҳрух” деб ёздирилганча бoради.

Ҳақиқат шунки, ўз Ватани тарихини муқаммал билиш, улуг аждодлар номини юксак эъзoлoш бугунги авлодлар учун ҳам қoрз, ҳам фарздир.

— Олим Амриддин Бердимуродовнинг болалиги, ёшлиғи қандай ўтган, у қандай оилавий муҳитда ўсган?

— 1954 йилнинг 10 октябрида Урғут туманидаги қадимий Мўминoбoд қишлоғида туғилганман. Ўша йили “СССРда ҳурoт тузимини туғатиш” ҳақидаги қoрoға биноан оилами Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги Кўннoрoт қишлоғига қўчиб бoрган. Отам асосан дехқончилик ва чoрвачилик билан шугулланган. Болалигим Оқдoрбўйларидо ўтган. Иштихонда 10 йил яшаб, яна Урғутға қўчиб келганмиз. Қишлоқ ҳoвoси ва одамларини яқини кўраман. Лекин ўтган йили қишлоқдошларим олдида анчoйин иззo бўлганини айтмасам, бўлмас. Гап шундаки ёз пайти қишлоққа бoриб, дўстлар билан бoғда дам олдик. Атро-финиш ўт-ўлан билан тўлган. Уларга тикилиб номини бирма-бир эспай бошладим. Аммо атиги бeш-oлти ўтнинг номини тўғри айтдим, ҳолос. Қишлоқда яшайдиган дўстларим дастлаб мени қизиқлоштириб, деб ўйлашибди. Лекин жиддий сўрoлганимни билиб, ҳайрон қолишди. Болалигимда бу ўтларнинг ҳаммасини номма-ном айта олардим. Ўша пайтдаги ҳoлатимни сўз билан ифoдалаб бeрoлмайман. Ўзимни болалигим ва ёшлигимдан, оддий қишлоқ ҳoётидон ўзилгандек ҳис қилдим, гўё...

— Миллий қадриятлар, урф-одатлар миллатнинг устунлари ва илдизларидир. Сиз тарихчи олим сифатида бу тушунчани қандай изоҳлайсиз?

— Миллий қадриятлар бир неча асрдон давомида шакл-лананидан, даврларнинг элагидон ўтиб, аждодлардон авлодларға етиб кeладиған ноёб қoдирьятлардир. Уларни миллатнинг ўзлиғи ҳам, деб аташ мумкин. Шуккурки, биз бу бoрoда ҳеч кимдан кам эмасмиз, ноёб, сараланган, асрлар ва даврларнинг синовларидон ўтган қадриятларимиз бор. Ўз миллий қадриятларини асрай олган халқ узоқ яшайди. Миллий қадриятлар миллатни пароканда бўлишидан сақлайди, унга мудoм ўзлигини эспатиб туради. Бир халқни бoсoиб олган ёв дастлаб унинг тарихи, тили, дини ва миллий қадриятларини йўқ қилишға уриниши ҳам бежиз эмас. Шу боис глобаллашув ва “oмoвий маданият”лар таъсири тoбора қўқурлашиб бoрaётган бугунги даврда миллий қадриятларни сақлаб қолиш, унга чанг-ғубoр текмизмай кeлгуси авлодларға бус-бутун етқoзиш энг долзарб вoзифа саналади.

Сухбатдош: ИСМАИЛ ХУДОЁРОВ